ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий—сиёсий рўзномаси

№ 91 (10.340).

1992 йил 11 июнь пайшанба

Баҳоси 2 сўм.

Бисмиллоҳир роҳмонир роҳийм

Ўзбекистон Республикаси Президенти, биродаримиз Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Сиз, Президент жаноби олийлари ва Сизга ҳамроҳ бўлган вакиллар гуруҳининг Саудия Арабистони подшоҳлигига сафаридан кейин ёзган мактубингизни олдик. Мактубингизда шаънимизга изҳор қилинган мўътабар исломий ҳис-туйғулар ва эзгу тилакларингизни биз бениҳоя юксак қадрлаймиз. Сиз ва Сизга ҳамроҳ бўлган биродарларимиз муқаддас диёримизни зиёрат қилганларидан ғоят хушнуд бўлганимизни яна бир карра таъкидлаймиз.

Сиз билан учрашув ва суҳбатлар қалбимизда теран таассурот қолдирди, зеро, Сизнинг муборак зиёратингиз икки қардош мамлакатлар дини, тарихи ва қадриятлари муштараклигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Бизга қадрдон мамлакатингиз босиб ўтган бутун тарих мобайнида кўнглимиз сизлар билан бир бўлган. Ҳозирги кунда ўзбек биродарларимизнинг маълум қисми Саудия Арабистони подшоҳлигида истиқомат қилаётгани ҳам ўртамиздаги дўстликка, икки қардош халқнинг ўзаро ҳамкорлигига жонли мисолдир. Мамлакатингизда азалий исломий тарих ва буюк мусулмон алломалари дунёга келган экан, бас, бундан кейин ҳам ўшал муқаддас маслак ва тамойил ўстувор бўлиб қолажагига ишончимиз комилдир.

Биз эса иймон-эътиқодни басаломат сақлашга қаратилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришни насиб этган Оллоҳ таолога ҳамду сано ва шукронамизни айтамиз, холос. Аминмизки, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар Оллоҳнинг иродаси билан ўзаро ҳамкорлигимизни бугун ҳам, келажакда ҳам мустаҳкамлайди.

Оллоҳ таолодан мамлакатларимиз ва муслим халқларимиз равнақи йўлида барчамизга ҳидоят ато этишини сўраймиз.

Мактубимиз ниҳоясида шахсан Сиз жаноби олийларига метиндек сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош ўзбек халқига фаровонлик ва равнақ тилаб қоламиз.

Оллоҳ таоло Сизни ўз паноҳида асрасин!

Икки муқаддас масжид ходими Фаҳд ибн Абдул Азиз ал Сауд, Саудия Арабистони мамлакатининг подшоҳи.

Ар Риёд шаҳри.
1412 ҳижрий йил 24-зу-л-қаъда.
(1992 мелодий йилнинг 26 майи).

ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ, МУБОРАК!

● Бугун Қурбон ҳайити бошланади. Бу улуғ айём арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг халқаро алоқалар бўлими мудири Ҳожи Абдуллоҳ Исмоил Махдум ўғли билан суҳбатда бўлди.

— Муҳтарам Ҳожи Абдуллоҳ, Сизни Қурбон ҳайити билан қутлаш баробарида эзгу тилакларингизни барча мўмин-мусулмонларга етказиш ниятида ҳузурингизга келдик.

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсинким, биз мусулмонлар энг буюк байрамларимиздан бири — Қурбон ҳайити кунларига ҳам эсон-омон етиб келдик. Маъҳумингизким, бу йилги Қурбон ҳайити мусулмонлар учун бағоят қувончли воқеаларга бой кунларда ўтади. Ўлкамиздан тўрт мингдан зиёд мўмин ислом рукнларининг бешинчиси бўлмиш ҳаж фаризасини адо этиш ниятида муқаддас диёрларга жўнаб кетди. Қолаверса, мана иккинчи йилдирки, Президент Ислом Каримов Фармонига кўра, Қурбон ҳайитининг дастлабки куни дам олиб, эмин-эркин байрам қиламиз. Бугун мен Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси номидан диёримиз ва қардош юртлардаги муслим биродарларимизни улуғ айём — Қурбон ҳайити (Ийд ул адҳа) билан муборакбод этишдан ўзимизни бағоят бахтиёр ҳис этмоқдаман. Аллоҳ таоло ушбу кунларни қутлуғ этиб, бандаларига баракотини нозил этсин, юртимизни тинч қилсин.

— Тақсир, ўзгача замонлар келди. Сизнингча, дин аҳлининг, умуман, мунаввар инсонларнинг бугунги асосий бурчлари нималардан иборат?

— Аввало, халқимиз олдида турган мақсадлар хусусида сўзласак. Энг олий мақсад шуки, халқимиз, муҳтарам юртдошларимиз ўзларини тезроқ таниб олсалар, иймон-эътиқодга қайтсалар, Ватан тарихи ва аждодлар қолдирган маънавий меросга муносиб эгалик қилсалар. Умидвормизки, бу соҳада диний таълимнинг ҳам ҳиссаси бисёр бўлажак. Иншоаллоҳ, халқимизга шу улуғ мақсадлар йўлида хизмат қилишдан бизлар куч-ғайратимизни асло аямаймиз. Бунинг учун, алҳамдулиллоҳ, бугунги кунда имкониятлар беадад. Ҳозир халқимизнинг ҳиммати, айниқса, баланд. Бу каби ҳиммат ва ажойиб имкониятларни бундан уч-тўрт йил олдинги шароит билан асло қиёс этиб бўлмайди.

— Бу йилги Қурбон ҳайити илк бор Ватан мустақиллиги шароитида ўтаётганини ҳам таъкидласак ярашади...

— Албатта. Мустақил мамлакатнинг дини ҳам мустақил бўлади. Илгари беш вақт намознинг рухсати ҳам Москвадан олинарди. Бугун биз, дин аҳли, ўз диний эҳтиёжларимиз ва муаммоларимизни бевосита мустақил Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда ҳал қилиш имкониятига эга бўлдик. Мана, худога минг қатла шукурки, кейинги уч йил мобайнида диний таълим-тарбия, ноширлик ва бошқа соҳаларда катта силжишлар бўлди. Масжид ва мадрасалар сони бир неча баравар кўпайди. Бу ишларнинг барчаси ислом оламида яхши баҳо олмоқда.

Энди, асосий мавзуга қайтадиган бўлсак, эртага, сизу биз Қурбон ҳайитини байрам қилиб турган пайтимизда, Маккаи Мукаррамада, Арафотда, Муздалифада миллионлаб мусулмонлар ҳаж амалларини бажариб, ибодатларини якунлаб, Минода қурбонликлар қилиб, Мадинаи Мунавварага — ҳазрати Расулиллоҳ равзалари зиёратига шайланиб турган бўладилар. Сизу биз эса, масжидларимизда ийд намозини тантанали тарзда адо этиб, хутбаларни тинглаганимиздан сўнг вожиб бўлганларимиз қурбонликлар қилишга ошиқамиз ва бу ҳайит айёмида қўни-қўшниларимизни, қавму қариндошларимизни, юртдошларимизни табриклаб, улар орасидаги муҳтожлар ва етим-есирларга эҳсонлар қиламиз. Беморларни, кексаларни йўқлаб бориб, уларнинг кўнгилларини кўтариш — энг эзгу амаллардандир. Қурбон ҳайитининг қутлуғ жиҳатларидан яна бири шуки, бу айёмда мусулмонлар покиза либосларини кийдилар, бир-бирларига очиқ чеҳра ва алоҳида меҳр билан муносабатда бўладилар, ийд кунларини байрамона хурсандлик билан ўтказадилар.

Фурсат ва имкониятдан фойдаланиб, барча мусулмон биродарларимизни улуғ байрам билан табриклаб, Аллоҳ таолодан уларнинг ҳар қайсиларига рушди ҳидоят, тавфиқ, кишт-корларига баракот, аҳли-аёлларига эминлик тилаб қоламан.

Юртимизни, халқимизни худойи таоло ўз ҳифзи ҳимоятида сақлаб, саодатмандликни насиб этсун. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ш. РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри меҳнаткашлари, республика ижодкор зиёлилари ва кенг жамоатчиликнинг атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидович Рашидов туғилганига 75 йил тўлишини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Юбилей комиссиясининг таркиби тасдиқлансин. Комиссия бир ой муддат ичида Ш. Р. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиб, уни бажаришга киришсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, ЁЗУВЧИ Ш. Р. РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗИШ КОМИССИЯСИНИНГ

ТАРКИБИ

Жўрабеков И. Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси.
Убайдуллаев Ш. О. — Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг масъул ходими, комиссия котиби.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдиров Ч. — Қорақалпоғистон Республикаси клиник ва тажриба тиббиёт илмий-тадқиқот илмгоҳининг директори, академик.
Абдураҳмонов П. М. — Самарқанд вилояти ҳокими
Ботиров Э. — Шароф Рашидов районидаги «Правда» давлат хўжалигининг бўлим бошқарувчиси
Ёдгоров Д. С. — Бухоро вилояти ҳокими
Жалолов Б. — Ўзбекистон халқ рассоми.
Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби
Жуманиёзов М. — Хоразм вилояти ҳокими
Зулфия — Ўзбекистон халқ шоираси
Мамарасулов С. — Ўзбекистон республикаси давлат сув хўжалиги қурилиши комитети раисининг биринчи ўринбосари
Муҳаммад Юсуф — шоир
Муҳаммаджонов З. — Ўзбекистон халқ артисти
Олимов Ў. З. — Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари
Орипов А. — Ўзбекистон халқ шоири
Пайғамов А. — Фарғона вилояти Ўзбекистон районига қарашли Ленин номидаги жамоа хўжалигининг раиси
Рапиғалиев Б. — Наманган вилояти ҳокими
Расулов М. М. — Ўзбекистон Республикаси халқ демократик партияси Марказий кенгашининг биринчи котиби
Раҳимов Б. — уруш ва меҳнат фахрийси
Сайдалиев С. Д. — Тошкент вилояти ҳокими
Салоҳиддинов М. — Ўзбекистон фанлар академиясининг президенти
Салимов О. У. — Тошкент давлат техника университетининг ректори
Турсунов Э. — Жиззах вилояти ҳокими
Умурзоқов М. Б. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси
Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳар ҳокими
Файзуллаев И. — Денов районига қарашли Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалигининг раиси, Ўзбекистон халқ депутати
Шукрулло — Ўзбекистон халқ шоири
Холмирзаев Қ. — Андижон вилояти ҳокими
Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби
Яшин К. Н. — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик
Қаюмов М. — Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби
Қорабоев М. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил 4 июндаги Фармони билан Наманган вилоятидаги Мингбулоқ конида кучли нефть фаввorасини жиловлашда намуна кўрсатган ишчилар ва хизматчиларнинг катта гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Фахрий унвонлари ва Фахрий Ёрлиқлари берилди. Шу жумладан, Тошкент вилояти бўйича қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланди:

Бризгалов Александр Васильевич — Тошкент олий танк командирлари билим юрти ўқитувчиси;

Ким Станислав Валентинович — 93-ихтисослашган трестнинг Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» монтаж бошқармаси бош муҳандиси;

Сабуркин Владимир Васильевич — 93-ихтисослашган трестнинг Чирчиқ механизация бошқармаси кран машинисти;

Содиқов Талъат Харисович — 93-ихтисослашган трестнинг Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» монтаж бошқармаси катта иш юритувчиси;

Учуваткин Пётр Петрович — 93-ихтисослашган трестнинг Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» бошқармаси монтажчилар бригадири.

● Вилоят ҳокимлигида

ЁРДАМ УЧУН РАҲМАТ!

Вилоят ҳокимлигида табиий офат оқибатларини тугатиш ишларининг дастлабки якунлари чиқарилди. Шаҳар ва районларнинг ҳокимлари, турли корхона ва ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари йиғилдилар. Вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев улар олдида сўзга чиқди. У қилинган ишларни муфассал таҳлил этди, бу ишларда алоҳида ўрнак кўрсатганларни айтиб ўтди, ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларни белгилаб берди.

Табиий офат ҳуружи натижасида Бекобод, Паркент, Оққўрғон, Бўстонлиқ районларидаги кўплаб қишлоқларга зиён етди. Уй-жой биноларидан ташқари экинзорлар, кўприклар, ерлар, муҳандислик иншоотлари ҳам зарар кўрди. Қисқа муддат ичида 50 та уйни бутунлай янгидан қуриб, 300 тасини таъмирлаш лозим бўлади.

Табиий офатдан зарар кўрганларга қурилиш техникаси, қурилиш ашёлари ажратилди, банкда махсус ҳисоб рақами очилди, унга вилоятнинг ҳамма чеккасидан хайрия ёрдами келиб турибди. Шу кунгача 50 миллион сўмдан ортиқ хайрия келиб тушди. Бу рақам яна ортиши мумкин. Айниқса, 23 майда вилоятда ўтказилган умумхалқ ҳашари пайтида катта ёрдам кўрсатилди. Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Тошкент, Чиноз ва бошқа районларнинг аҳолиси умумий ишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Деярли ҳеч ким четда қолгани йўқ. Биргина Янгийўлдаги Саид маҳалласининг ўзида ҳар бир хонадон баҳоли қудрат хайрия пули бериб, минглаб сўм йиғилди. Бундай мисолларни ҳамма шаҳар ва районлардан келтириш мумкин. Оҳангарон цемент комбинати 2 миллион сўмлик жуда зарур маҳсулотини ёрдам учун ажратди. Бу маҳсулот мактаблар, касалхоналар ва бошқа бинолар қурилишига ишлатилади.

Афсуски, республикамизнинг бошқа кўпгина вилоят ва районлари ҳам табиий офатдан зарар кўрдилар. Бинобарин биз асосан ўз кучимизга таянишимизга тўғри келади. Ҳокимлик барча куч ва имкониятларни табиий офатдан зарар кўрганларга ёрдам учун сафарбар қилиш вазифасини қўйди. Канал ва дарёларнинг соҳилларини яхшилаб мустаҳкамлаш тақозо этилади, шундагина офат туфайли рўй берадиган хатарнинг олдини олиш мумкин. Ҳозирги энг муҳим иш хавфли жойлардан кўчирилаётган одамларни тезроқ жойлаш, уларга турар-жой қуришда ёрдам беришдан иборатдир. Ана шу мақсад учун ажратиладиган харажатларнинг ўзи 12—15 миллион сўмни ташкил этади.

Учрашув пайтида ҳокимликда табиий офат оқибатларини тугатишда, зарар кўрганларга ёрдам беришда алоҳида ибрат кўрсатган шаҳар ва район ҳокимлари, турли корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларига вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиқлари ва ташаккурномалари топширилди. Табиий офатни бартараф этишда вилоят ички ишлар бўлимининг Н. А. Исмоилов бошлиқ ходимлари кўрсатган хизмат ҳам алоҳида қайд қилиб ўтилди.

СУРАТЛАРДА: мукофотларни топшириш вақти.

В. ХАРИТОНОВ суратлари.

ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

МАЪЛУМКИ, бу йил вилоятимизда чорва қишловини якунлаш анча оғир кечди. Чунки кўп хўжаликларда баҳор бошланиб, ҳали молларнинг оғзи кўкка тегмасдан хашак тугаб қолди. Емнинг тақчиллиги тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Қийин аҳволга тушиб қолган чорвадорлар қандай бўлмасин чорва бош сонини сақлаб қолиш пайидан бўлдилар, амалладилар. Демак, бу ҳол янги мавсумда сабоқ бўлиши керак.

Қишловга етарли, сифатли озуқа ғамлаб қўйиш учун вилоятимизда бир қатор тадбирлар кўрилди. Энг аввало, дастлабки кунларданоқ озуқа сифатига эътибор бериш қатъий қилиб қўйилди. Режадаги пичанни жамғариш қаттиқ назоратга олинадиган бўлди. Ҳар йили сенаж дағал хашак таркибига қўшиб ҳисоб-китоб қилинарди. Бунинг оқибатида баъзида кўзбўямачиликларга йўл қўйиларди. Бу йилдан бошлаб сенаж ва табиий пичан — беда пичани алоҳида-алоҳида ҳисобга олинмоқда.

Хўш, ҳозирги кунда умумий аҳвол қандай? Бундай қараганда чорва йили бўлди, хашакни мўл-кўл жамғариш учун имконият туғилди, дейиш мумкин. Лекин барибир осон бўлмаяпти. Ёғингарчиликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Беданинг биринчи ўрими даврида мушкул ҳолат рўй берди. Ўрилган бедани қуритиш ва ғарамлаб олиш мумкин бўлмай қолди. Ҳаддан ташқари намгарчилик туфайли далада қолган беданинг чириб, қорайиб кетиш хавфи содир бўла бошлади. Шу боис биринчи ўримдан кўпроқ сенаж бостиришга тўғри келди.

Бу соҳадаги режа 155 минг тонна қилиб белгиланган бўлса, ҳозиргача 147 минг 870 тоннадан ортиқ сенаж бостирилди.

Шунингдек, бу йил 375 минг тонна дағал хашак тайёрланиши керак эди. Бу режани бажариш учун умумий сафарбарлик ишлари авж олдириб юборилди. Ҳар куни салкам 4 минг тоннага яқин беда пичани тайёрланмоқда. Ҳозирги кунга қадар табиий ўт ва беда ҳисобига 36 минг тонна пичан тайёрланди. Кўпгина ноҳияларнинг деҳқонлари, чорвадорлари мавжуд техникаларни унумли ишлатиб, имкониятдан оқилона фойдаланиб, хашак тайёрлашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу соҳада Тошкент ноҳияси олдинги ўринда бормоқда. Чиноз, Зангиота ноҳияларида ҳам озуқа тайёрлаш қизғин. Беданинг биринчи ўримида ҳар гектардан 42 центнердан ҳосил олинди. Айни кунларда иккинчи ўрим авж олдирилди.

Беда уни ҳам чорва озуқасида муҳим ўринни эгаллайди. Бу йил режа бўйича 4874 тонна беда уни тайёрланиши керак. Оҳангарон, Қибрай ноҳиялари бу соҳадаги режаларини муваффақиятли уддалаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бироқ, ҳамма ерда ҳам пичан тайёрлаш бир меъёрда бораяпти, деб айтолмаймиз. Бўстонлиқда об-ҳавонинг салқин келишини ҳисобга оладиган бўлсак, улардаги кечикишни бир қадар оқлаш мумкин. Лекин паркентликларга нима бўлди? Нега улар бу муҳим ишни пайсалга солмоқдалар? Бу ноҳияда 10 июнгача бўлган маълумотга қараганда, бор-йўғи 312 тонна табиий пичан тайёрланганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ҳозир кутиб ўтирадиган пайт эмас. Ҳамма ерда табиий пичан пишиб етилди. Уни зудлик билан ўриб, йиғиб, ғарамлаб қўйиш керак.

Вақт ғанимат. Чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кўпайтиришга астойдил бел боғлаган эканмиз, чорва қишлови тўғрисида ҳозирдан ғамхўрлик қилайлик! Сир эмас, ёғингарчилик туфайли бу йил беданинг иккинчи ўрими чўзилиб кетди. 15—20 кун орқадами, орадаги бу муддатни қисқартириш учун эса бор техника, ишчи кучларини тўла сафарбар этайлик. Бунинг учун бир қатор тадбирлар кўрилиши зарур. Бедаси ўриб олинган майдонларга дарҳол сув қўйиб, озуқа бериш керак. Кунлар исиб кетаяпти. Сув қўйиш пайсалга солинса, кечикса беданинг ўсиши ниҳоятда суст бўлади.

Ҳамма ерда табиий ўтлардан пичан тайёрлашга эътиборни кучайтириш керак. Ўрилган пичанлар дарҳол ғарамланиб, пресс қилиниб қўйилиши зарур. Бироқ, бу соҳада ҳам айрим муаммолар борки, уни зудлик билан ҳал этиш керак. Масалан, Келес массивидаги Жамбул номли совхозда ўриб қўйилган пичанларни боғлам қилиб бўлмаяпти. Чунки каноп етишмаяпти. Уни юбориши керак бўлган ҳамдўстлик давлатлари ваъдаларини бажармаяптилар.


Ҳар йили аҳолининг чорвасига хашак, беда даланинг ўзидан бериб юборилларди. Бунда айрим ҳолларда суиистеъмолчиликка йўл қўйиларди. Бу йил янгича тартиб жорий этилди. Эндиликда чорваси бор хонадонларга хашак ферма орқали тарқатилади. Бунда ҳам, албатта, ҳисоб-китобнинг пухта ва аниқ бўлишини назорат қилиш керак.

Вилоят бўйича хашак тайёрлаш юзасидан штаб тузилган. Штабнинг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг фаолиятини янада жонлантириш талаб этилади. Штаб аъзолари тез-тез йиғилиб, аҳволнинг қандайлигини таҳлил этиб, камчиликларни тугатиш, муаммоларни ҳал этишда чорвадорларга амалий ёрдам беришлари зарур.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, энг биринчи навбатда гўшт, сут билан таъминлашда чорвадорлар зиммасига катта масъулият юклатилгандир. Бу вазифанинг муваффақиятли уддаланиши кўп жиҳатдан айни кунларда озуқа базасини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг сифати, салмоғи, кўламига боғлиқ эканлигини унутмайлик.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ.







Нодирабегим— НОДИРА номли мактабда

МАШҲУР ўзбек классик адабиётининг оташин куйчиси, халқпарвар давлат арбоби шоира Нодирабегим 200 ёшда.

Бу тарихий кун «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Нодира номли 17-ўрта мактабда тантанали нишонланиб, адабий-мусиқали кеча ўтказилди. Мактаб узра Нодира ғазалларига басталанган куй ва қўшиқлар таралиб, кеча қатнашчилари дилини Қўқон хонлиги ижтимоий муҳити ҳаёти оғушига жалб этарди. Ҳа, Нодира давлат идора ишларида ўғли Мадалихоннинг яқин суянчиғи бўлиши билан бирга хассос шоира ҳам эди. Ўрта мактаб режасида қатор ўзбек шоиралари ижодини ўрганиш учун 2—3 соат вақт ажратилган. Бу қисқа дақиқаларда шоиралар ижодини тўла бўлмаса-да, ўша давр билан ҳамнафас яшаганликларининг, халқ дилидаги фикрларни дадил кўтариб чиққанликларининг, адолат учун мардонавор курашиб, инсон учун энг нозик туйғу бўлган муҳаббатни баралла куйлаганликларининг гувоҳи бўламиз.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт.
Кириб эй, Нодира, олам элига,
Муҳаббат шевасини ошкор эт.

Мактаб зали юқори синф ўқувчилари, ота-оналар, жамоа хўжалиги аъзолари ҳамда ноҳия тил-адабиёт муаллимлари билан лиқ тўла.

Саҳна... Хон тахти. Тахтда Нодирабегим канизаклари ижросидаги нозик шеърларидан тингламоқда. Томошабинлар мунгли куй оғушида ғазал ўқиётган канизаклару Нодирабегимнинг хон тахтида савлат тўкиб ўтиришини тин олмай кузатмоқдалар...

Фиғоним гардиши даврон айирди
шаҳсуворимдин
Ғамим кўп, эй кўнгил, сен бехабарсен
оху зоримдин...
Ғаҳи йиртиб яқо, гоҳ қон ютуб,
гоҳи фиғон эттим,
Нелар ўтди бу оқшом, Нодира,
жони фиғонимдин...

Сўнгра магнит тасмасидан ҳофиз Эргаш Йўлдошевнинг «Эй, сарви равон, надур ҳаёлинг» сўзлари билан бошланувчи классик қўшиғи таралди...

Пайваста дуойи хайр этармен,
Мақсадим эрур сени камолинг.
Ул ойни юзига баҳс этармен,
Етмиш магар, эй қуёш заволинг...

Қўшиқ оҳанги пасайиб, саҳнада Насруллохон пайдо бўлади. Кайф-сафодан сўнг ғалаба нашидасидан маст бўлиб фармон бермоқда.

Асира Нодира невараси билан боскинчи хон ҳузурига олиб кирилади. Нодира қонхўр хон юзига тик боқиб, унинг жоҳил ва қотиллигини пеш қилади. Кайф-сафоси ҳукм сураётган хон уларни жаллодга топширади...

Умидимиз борки, иқболимиз қуёши
чиқажак,
Зиндон қоронғулари ҳам охир
ниҳояга етажак,

деб куйлаган шоира хотираси кейинги авлод қалбида мангу қолажак.

Мактаб адабиёт ўқитувчилари Т. Эгамбердиева, А. Болтабоев ташаббуси билан тайёрланган қичик саҳна кўринишида ўқувчилардан Ш. Раметова (Нодира), Нурматов А. (Насруллохон), Г. Назарова, Б. Ибодуллаева, А. Эргашев, Б. Бойимбетова қатнашиб, ўтган ўша давр руҳини очиб беришга ҳаракат қилдилар.

Кеча сўнгида Ислоҳот қишлоқ шўроси раиси Э. Тилобов, ота-оналар қўмитаси раиси Ф. Колибекова, ноҳия халқ таълими бўлими мудири Х. Набиев, мактаб директори Г. Аббосова сўзга чиқишиб, адабий-мусиқавий кеча таассуротлари ҳақида гапирдилар. Кечага йиғилганлар қалбида Нодирабегим ҳақида ҳаяжонли таассурот қолди.

А. ОРИПОВ,
Б. ТУРДИЕВ.

ПАРВОЗИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ЛОЧИНИМ!

(Учиш майдонидан репортаж)

ЧЕХО-СЛОВАКИЯДА ишлаб чиқарилган Л-410 УВП-Э тайёрасида унинг бир гуруҳ ижодкорлари «Тошкент-2» тайёрагоҳига келиб қўнгани ҳақидаги хабарни эшитишим билан ўша жойга отландим. Шундай ноёб имкониятни қайси қаламкаш қўлдан беради. У ерда аллақачон радио, ойнаи жаҳон, Москва рўзномалари вакиллари, ишбилармон кишилар гавжум туришган экан. Кимдир парвозга шай турган Л-410 УВП-Э тайёраси атрофида гирдикапалак, яна бир-ров эса чех мутахассислари билан мусоҳабани бошлаб юборган.

Мен тайёра билан яқиндан танишиш мақсадида уни ишлаб чиқарган Куновице шаҳридаги «ЛЕТ» заводи шеф-учувчиси Станислав Скленарни суҳбатга тортдим.

— Жаноб Скленар, заводингиз мана шундай тайёралардан йилига қанча ишлаб чиқаради?

— Бизда турли хил маркадаги тайёралар ишлаб чиқилади. Айнан шундай тайёралардан эса йилига 70—80 дона тайёрланади. Завод, бундан ташқари, турли мамлакатлар давлат раҳбарлари учун буюртмалар қабул қилади.

— Бу машина бошқа тайёралардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

— Аввало, бу тайёра жуда тежамли, кўриб турибсиз жуда нхчам, қулай қурилган. Вазни ҳам бошқаларга нисбатан қушдеккина: 5 минг 500 килограмм, ҳолос. Лекин парвози тикка, у тоғли ўлкаларда тўрт минг метр баландликкача кўтарила олади.

— Бу фақат пассажир ташиш учун мўлжалланганми?

— Йўқ, у энг замонавий тайёра бўлиб, пассажир, юк ташиш, тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган.

Тайёра соҳиблари бизни салонга таклиф қилишди. У унча катта бўлмаса-да, ёруғ, шинам, пассажирлар бемалол ҳаракат қила оладиган қилиб қурилган.

Журналистларнинг таклифига кўра Халқаро экипаж парвоз қиладиган бўлди. Чехо-Словакия томонидан шеф-учувчи Станислав Скленар, Ўзбекистондан эса учувчи Арслон Рўзметов бошқарув ўриндиғига ўтиришди.

Салонга бирдан тушган жимликни тайёра двигателининг овози бузди. Кўп ўтмай биз тушган тайёра учиш майдони узра чопқиллаб кетиб, оҳиста кўкка кўтарилди. Хизмат юзасидан сафарларда юрганимда катта-кичик турли тайёраларга тушганман. Учиш давомида бирининг двигатели асабни эговласа, иккинчисининг кўкдаги юракни ўртовчи «қилиқ»ларидан анчагача беҳузур бўлиб юрардим. Бироқ бунақа беозор тайёрага энди йўлиқишим.

Фазодаги 15—20 дақиқалик парвоздан сўнг тайёра беозоргина ерга қўнди. Буни билган билди, билмаган йўқ.

Халқаро экипаж аъзоси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи муовини Арслон Рўзметовдан дастлабки таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрадим:

— Биласизми,— деди Арслон ака қувончини ичига сиғдиролмай,— мен жуда кўп тайёраларни бошқарганман. Аммо бунақа содда, қулай, енгил тайёрани энди кўряпман.

— Ундан халқ хўжалигида фойдаланса бўладими?

— Албатта-да. Ундан турли соҳаларда фойдаланса бўлади. У ишбилармонлар учун жуда асқотади.

— «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мана шундай тайёраларни ҳарид қилиб олишни режалаштирганми?

— Республикамиз мустақилликка эришгач, биз авиаторларга ҳам эркинлик тегди. Биз ҳорижлик мана шундай йирик завод вакиллари билан биринчи марта юзмаюз учрашиб, ишларни режалаштириб оляпмиз. Умуман бу тўғрида пухта ўйлаб кўриш, имконият топилса, харид қилиб олиш керак, деб ўйлайман. Бундан фақат биз ютамиз. Л-410 УВП-Э тайёрасига ёқилғи кўп сарф бўлмайди, жуда тежамли, уни Қўқон, Фарғона, Наманган, Қарши, қисқаси, шунга ўхшаш яқин масофали шаҳарларга пассажир ташиш учун қўйса бўлади.

«ЛЭТ» заводининг масъул вакили Иозеф Наглик суҳбат чоғида шундай деди:

— Умуман биз ишлаб чиқараётган тайёраларга кун сайин талаб ортиб бораётир. Ташкилотлар, жойлардаги раҳбарлар тайёрани сотиб олишга нақд пуллари бўлмаса, маҳсулот айирбошлашга ҳам тайёрмиз. Бу биз учун ҳам, сиз учун ҳам қулай имкониятлардан биридир, деб ўйлайман.

«Тошкент-2» тайёрағоҳида суҳбат алламаҳалгача давом этди. Қайтишда қўниш майдони кўркига кўрк, савлатига савлат қўшиб турган Л-410 УВП-Э тайёрасига узоқ тикилиб, ўйга чўмиб қолдим. Ажаб эмас, бу қанотли лочин нафақат журналистларни, балки уни Ўзбекистоннинг мусаффо осмонида парвоз этишни режалаштираётган мутасадди ўртоқларни ҳам қизиқтириб қўйган бўлса... Парвозинг баланд бўлсин, лочиним!

Мурод ТИЛЛАЕВ.

ТАДБИРКОРЛИК— ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

Ҳамма учун машаққатли бўлган шу кунларда ютуқлар ҳақида гапириш қандайдир эриш туюлиши мумкин. Шу боисдан ҳам беш ой мобайнида аҳолига 6 миллион сўмликдан кўпроқ хизмат кўрсатиб, режани анча ошириб бажарганлигимиз тўғрисидаги иш тажрибамизни ўртоқлашиш тарзида фикр юритмоқчиман, холос.

Районимиздаги «Ўзбекистон 50 йиллиги», Турғун Мирзаев номли жамоа хўжаликларида истиқомат қилувчи йигирма мингдан ортиқ аҳолига савдо хизмати кўрсатаётган матлубот жамияти ходимлари олдига йил бошидаёқ аниқ вазифа қўйилган эди. У ҳам бўлса, биринчи навбатда аҳолини талон билан таъминланадиган маҳсулотларга муштоқ қилиб қўймаслик ва харидорларга савдо хизмати маданиятини ошириш. Бу ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қоладиган тадбирлар эмасди, албатта.

Шунинг учун биз тадбиркорликни кўп йилларидан бери уюшқоқлик билан ишлаб келаётган жамоамизнинг бош мақсади деб белгиладик. Ходимларга рўй берган иқтисодий мушкуллик даврида масъулиятни янада ошириб, ҳар ким ўз бурчини сидқидилдан бажариши зарурлигини тушунтира олдик. Айни пайтда матлубот хизматини яхшилаш юзасидан таклифлар, истаклар билан ишлашга ҳам кенг имкониятлар яратилди.

Бундай эркинлик туфайли аҳоли эҳтиёжига яраша хизмат доирамиз кенгайди. Биз ўз районимиз, вилоятимизнинг турли ҳудудларида бўлиб, деҳқон оилалар билан мустаҳкам алоқа боғладик. Маҳсулот етказиб берувчи ходимимиз Зикир ака Қодировнинг тинимсиз ҳаракати туфайли бундай ҳамкорлик Ҳоразм вилояти билан ҳам ўрнатилди. Натижада дала меҳнаткашларидан ортиқча озиқ-овқат маҳсулотлари — карам, пиёз, помидор, гўшт, гурунч, кўклар ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиб, ўз ҳудудимиздаги харидорларни узлуксиз таъминлашни йўлга қўйдик.

Яратилган имкониятлар туфайли матлуботчилар орасидан ташаббускорлар ҳам чиқа бошлашди. Хусусан, анча йиллардан бери шу соҳада ишлаб келаётган Ғулом Бобожонов қурилиш материаллари дўконини очиш истагида эканлигини билдирди ва уни маҳсулот билан таъминлашни зиммасига олди. Шуни айтиш керакки, ҳамма нарса ҳаракатга боғлиқ экан. Унинг нияти амалга ошди.

Ҳар қандай тармоқдаги каби матлубот соҳасида ҳам ишнинг муваффақиятини таъминловчи омиллардан бири — муомаладир. Бу ҳақда жамоамизда тарбиявий иш шунчаки бормайди. Харидорлар билан хушмуомалалик бизнинг ҳар кунги талабимиздир. Унга риоя қилмаганлар маънавий, моддий жазо олишларини яхши биладилар.

Шундан бўлса керак, сўнгги йиллар ичида ибратли хизмати билан харидорлар ҳурматини қозонаётган матлуботчилар сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, Мамлакат Усмонова, Эркин Риҳсибоев, Раҳмат Маҳкамов, Турдимуҳаммаад Холмуҳамедов, Норимбой Юсупов, Ниғмат Саидов, Йўлдош Мансуров, Сайдазим Абдуллаев каби тажрибали, соҳамизга хизмати сингган матлуботчилар қаторига Лутфулла Хожиметов, Алишер Маҳаматов, Маърифат Мирзажонова, Фарҳод Мирдадаев каби эл ташвиши билан яшайдиган жонкуяр ёшлар ҳам қўшилдилар.

Ҳозирги иқтисодий оғир кунларда юксак инсоний фазилатларни, айниқса, меҳр-шафқат туйғусини намоён этиш муҳим омиллардан биридир. Бу борада «Гулистон» қишлоқ Кенгаши биз учун аниқ режалар белгилаб берган. Шу асосда, Кенгаш тавсияси билан ҳар йили уч марта ёлғиз қарияларни, ногирон оилаларни моддий йўқлаб туришни зиммамизга олганмиз. Шуни алоҳида таъкидламоқчи эдимки, кўрсатилаётган моддий ёрдамни биз маънавий мадад билан ҳам уйғунлаштириб боряпмиз. Мақсад, уларга мўлжалланган озиқ-овқатни ёки ярим, бир килограмм чойни ташлаб кетаверишнинг ўзи эмас, балки шу оила аъзолари, ёки ёлғиз қариялар билан бирпас суҳбат қуриш, эҳтиёжларига қулоқ солиш, имкони борича ёрдам кўрсатишдан ҳам иборат бўлмоқда. Бу борада матлубот жамияти бошқарувида хизмат қилаётган Абдуғани Абдуллаев, Озода Обидова, Карима Тошметова, Раъно Ғаффоровалар жонкуярлик кўрсатишаётганлигини қайд этиш ўринлидир. Ана шундай малакали мутахассислар матлубот жамиятимизга қарашли 33 та катта, 6 та кичик дўкончада хизмат қилаётган ходимлар фаолиятини аҳолига намунали хизмат кўрсатишга қаратмоқдалар. Биз бундан кейин ҳам бу борадаги тажрибаларимизни мустаҳкамлашга интилаверамиз.

Ҳайрилла СОДИҚОВ,
Тошкент районидаги «Гулистон» матлубот жамиятининг раиси.

ҲОЗИРГИ қийин иқтисодий шароитда ҳам Ўзбекистоннинг кимё саноатида улкан корхона ҳисобланмиш Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси узлуксиз маҳсулот чиқаришни давом эттирмоқда. Бу маҳсулотларга нафақат республикамизда, балки ҳамдўстликнинг кўплаб мамлакатларида ҳам эҳтиёж катта.

Ишлаб чиқаришнинг аҳволи оғирлигини қуйидаги мисолда яққол кўриш мумкин. Истеъмолчилар бирлашмадан 1 миллиард 177 миллион сўм қарздирлар. Корхона раҳбарлари бу қарзни ундириб олишлари учун ишлаб чиқаришни тўхтатишлари ва маҳсулот етказиб беришни таъқиқлаб қўйишлари мумкин. Аммо улар бундай йўлга юрмаяптилар. Чунки минглаб ишчилар ишсиз қолишдек қийин аҳволга тушиб қолишлари мумкин.

СУРАТЛАРДА: «Аммиак —2» цехининг марказий бошқариш пультида аппаратчи Александр Кайлев навбатчилик қилмоқда; катта аппаратчи Ёқуб Тожибоев карбомидни тайёр маҳсулотлар омборига етиб боришини кузатмоқда.

Р. ШАГАЕВ суратлари. (ЎзА).





ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ОЛТИ СОАТ ДАВОМ ЭТДИ

● РОССИЯ ташқи ишлар вазири Андрей Козирев Америка Қўшма Штатлари давлат департаментида қатор учрашувлар ўтказди. Ҳар иккала мамлакат ташқи маҳкамалари раҳбарлари — А. Козирев билан Ж. Бейкер мулоқотлари ҳаммаси бўлиб олти соат давом этди. Суҳбатларда Россия президенти Б. Ельциннинг яқинда АҚШга қиладиган сафари пайтида ўртага ташланадиган масалалар муҳокама этилди. Унда гап, асосан, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тўғрисида борди. Шунингдек, ҳарбий муаммолар ўртага ташланди. Ҳар иккала томон шу ўн йилликнинг охирига бориб Россия ва АҚШ қарамоғида 4700 тадан ядровий каллаклар қолдирилса етарли бўлади, деган тўхтамга келдилар.

МЕЙЖОР ДАЪВАТИ

● БУЮК Британия бош вазири Ж. Мейжор Америкада чиқадиган «Тайм» ойномаси мухбири билан қилган суҳбатида собиқ СССР билан Ғарб мамлакатлари ўртасида вужудга келган ҳозирги аҳвол тўғрисида тўхталиб, истиқболда собиқ СССР яна Ғарбга нисбатан таҳдид солувчи душман кучга айланиши мумкин, деган фикрни билдирди. Шу боис у Ғарбни сезгирликни йўқотмасликка чақирди.

ДАСТЛАБКИ НАЗАРИЯ ГУМОН ОСТИДА

● МАЪЛУМКИ, шу маҳалгача фан оламида биринчи одам Африка қитъасида пайдо бўлган, деб ҳисобланиб келинади. Аммо, яқинда Хитой Халқ Жумҳурияти Ҳубэй вилоятининг Юньсянь уездида қазиш ишлари олиб борилаётган пайтда ибтидоий одамнинг бош суяги топилди. Олимлар топилманинг ёшини 350 минг йил деб ҳисобламоқдалар. Хитойлик Ли Тяньюань ва америкалик Дэнис Эдлер гарчанд топилма ибтидоий одамга хос бўлса ҳам, унинг барча белгилари ҳозирги замон кишиси («гомосапиенс»)ни эслатади, демоқдалар. Антрополог Д. Эдлер ҳозирги пайтда дунёнинг ҳеч бир ҳудуди «ақлли мавжудот» биринчи бизда пайдо бўлган деган фикрга, даъво қила олмайди, — деди.

ИНДОНЕЗИЯДА САЙЛОВЛАР

● ИНДОНЕЗИЯДА парламентга сайловлар бўлиб ўтмоқда. 1945 йилда мамлакат Голландия истилочиларидан озод бўлганидан сўнг шундай сайлов олтинчи марта ўтказилмоқда. Сайловда қатнашиш учун рухсат берилган уч партиянинг барча аъзолари Индонезиянинг ҳозирги президенти Сухартони қўллаб-қувватламоқдалар. Сайловни кенг ёритаётган Ассошиэйтед пресс ахборот агентлиги сайлов якунлари яқин кунларда эълон қилинади, деб хабар берди.

Э. ХОНЕККЕР ГЕРМАНИЯГА ҚАЙТИШИ МУМКИН

● ЧИЛИ ҳукуматининг собиқ Германия Демократик Жумҳурияти раҳбари Эрих Хонеккер иши юзасидан махсус вакили Хольгер Блайер июнь ойининг охирида ёхуд июль бошларида Чилининг Москвадаги янги элчиси этиб тайинланади. Берлинда чиқадиган «Зупер» рўзномаси хабарига таяниб ИТАР — ТАСС шу ҳақда маълум қилди. Эндиликда, янги элчининг дастлабки қадамларидан бири — Э. Хонеккерни Россия маъмурларига топшириш мумкин. Э. Хонеккер шундан сўнг Россияда қоладими ёки Германияга қайтадими, ҳозирча номаълум.

ДРУККА РУМИНИЯ ФУҚАРОЛИГИ БЕРИЛДИ

● АВВАЛГИ хабарларимиздан бирида Молдованинг собиқ бош вазири, Христиан-демократик халқ фронти раҳбари Мирча Друк Руминия президентлиги сайловларида номзод қилиб қўйилганлиги айтилган эди. Бироқ, М. Друкнинг сайловларда қатнашишига унинг Руминия фуқаролиги эмаслиги энг катта тўсиқлардан бири эканлиги ҳам айтилган эди. Куни кеча «Ромпресс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда 4 июнь куни Мирча Друкка Руминия фуқаролиги берилганлиги айтилди. Руминия экологияга қарши ҳаракатининг съездида М. Друк номзоди қўйилганидан ҳеч қанча вақт ўтмай у юқорида айтилган тўсиқни ҳам енгиб ўтди. Эндиликда у сайловларда бемалол қатнашиши мумкин.

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАР УСТИДАН СУД

● ЖАНУБИЙ Австралия пойтахти — Аделаиде шаҳрида ғаройиб суд бошланаётир. Унда 75 яшар Иван Тимофеевич Полюхович ҳарбий жиноятчи сифатида жавоб беради. Унга 1942—1943 йиллар мобайнида Украинанинг Ровно шаҳри яқинидаги Серники деган жойда 24 кишини ўлдириш ва яҳудийлар геттосини йўқ қилиш сингари айблар қўйилди. Австралия тарихида суд биринчи марта инсониятга қарши жиноий ишни кўриб чиқа бошлади.

78 яшар Миколай Березовский, 67 яшар Генрих Вагнер кабилар ҳам навбат кутмоқдалар. Уларнинг иккови ҳам Улуғ Ватан уруши йилларида Украина полициясида хизмат қилиб, одамларни оммавий равишда ўлдиришда иштирок этган эдилар.

И. Полюхович иши юзасидан дастлабки терговлар тамом бўлди. Унинг иши яқинда судга оширилади. Суд жараёни янаги йилнинг бошларида очилади, деб кутилмоқда. Жиноятни очишда терговчи Грэм Блюитт катта саъй-ҳаракат кўрсатди.

АСИРЛАР ҚАТЛ ЭТИЛДИ

● ШУ ЙИЛ май ойининг охирида Миллий ватанпарвар фронти жангарилари томонидан ўғирлаб кетилган тинчликни сақловчи Африкалараро кучлар жангчиларидан бир нечтаси ўлдирилганлиги хабар қилиниди. Улар Сенегал мамлакатининг фуқаролари эди. Оммавий ахборот воситалари шарҳчилари асирларнинг қатл этилиши эндигина тинчлик ўрнатилаётган Либериядаги вазиятни яна «портлатиб» юборишн мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

РЎЗНОМАГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРДАН

ҚИБРАЙЛИКЛАР ЁРДАМИ

Қибрай райони корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик фаолларининг бўлиб ўтган йиғилишида барча тўпланганлар якдиллик билан камида бир кунлик иш ҳақларини табиий офат оқибатларини тугатиш, моддий зарарларни қоплаш бўйича очилган вилоят жамғармасига ҳисобига ўтказишга қарор қилдилар. Қибрай чанқобосди ичимликлар комбинати жамоаси 100 минг, район тайёрлов идораси ҳам шунча миқдорда, янги — Тошкент консерва комбинати эса дастлабки 300 минг сўм маблағни ўтказиб бердилар. Шунингдек Ильич номли паррандачилик фабрикаси, «Қибрай» давлат хўжалиги, «Талаба» савдо ташкилоти каби меҳнат жамоалари икки кун ишлаб, ундан топилган маблағни шу ҳисобга ўтказишларини маълум қилдилар. Бу хайрли яшдан мактаб жамоалари, илмий муассасалар, ҳатто мактабларнинг ўқувчилари, нафақахўрлар, маҳалла фаоллари ҳам четда турмадилар.

Жабрланган оилаларга ёрдам маблағлари тўплаш давом этмоқда.

А. ФОЗИЛОВ.

ДАРОМАД ТОПИШ ЙЎЛИДА

Бозор иқтисодидаги ҳозирги қийинчилик барча касб эгалари қатори ўқитувчилар, шифокорлар учун ҳам оғир бўлди. Бироқ бу муаммони тезда тузатиш имконияти йўқлиги кўпчиликка аён. Шу туфайли ҳар бир жамоада, ташкилотда бор имкониятлардан фойдаланиб, қўшимча даромад келтириш йўлини излаш зарур бўлиб қолди. Энди ҳамма нарсани давлат етказиб беради, деб ғавғо кўтариш керак эмас. Бунинг ўрнига ҳар бир корхонанинг, жамоанинг раҳбари ишбилармон, тадбиркор бўлмоғи зарур. Ҳа, оилада ҳам шундай. Ҳар бир ота, она ишбилармон бўлса, ҳар қандай қийинчиликни ҳам енгиб ўтиши мумкин.

Мен яқинда пойтахтга ёндош Тошкент ноҳиясидаги бир неча мактабларда бўлиб, у ерларда ўқитувчиларимизнинг аҳволи ва иш фаолиятлари билан танишдим. Жумладан, Келес шаҳри яқинидаги 11-ўрта мактабда жамоанинг қўшимча даромад топиш йўлидаги ишлари билан танишдим. Маълумки, бирор корхона ёки жамоа ҳовлисига кирмоқчи бўлсангиз, шу атрофга назар ташлайсиз. Атроф супуриб-сидирилган, ҳар бир нарса ўз жойида сариштә бўлса, албатта тартиб-интизом борлигини англайсиз.

11-ўрта мактаб дарвозасидан киришингиз билан бир томонда тартиб билан экилган токлар сўриларга терилиб, чиройли шакл берилган. Иккинчи томонда эса 4 сотихча келадиган парникда барқ уриб ўсаётган укроп, кашнич, кўк пиёзларни кўриб завқланасиз. Мактаб ўқувчилари мактаб мулкига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Бирорта ниҳолга зарар етказилганлигини, ҳатто чопилган ерни босганликларини кўрмайсиз. Буларнинг ҳаммаси мактабда тартиб-интизом яхши йўлга қўйилганлигидан далолат бериб турибди. Ниҳоят, мактабда олиб борилаётган ишлар, жамоа ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан танишиш мақсадида мактаб директори Абдувоҳид Ҳалилов билан суҳбатлашдим.

— Абдувоҳид ака, маълумки, бозор иқтисоди ва нарх-навонинг кўтарилиб кетиши кўпчиликка ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан маош билан кун кўрувчи ўқитувчиларга ҳам осон эмас. Сиз уларнинг ўз касбига бўлган меҳрини сақлаш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқдасиз?

— Маълумки, жамоалардаги барча кишилар бир оиланинг аъзосидек ҳисобланади, унга раҳбарлик қилувчи барчага баробар муносабатда бўлиши лозим. Мактабимизда юздан ортиқ ўқитувчи ва хизматчи бор. Ўқув йилининг бошланишидан аввал бир неча кекса муаллимни алоҳида йиғиб, бу ўқув йилидаги бўлажак муаммоларни қандай ҳал қилиш устида гаплашиб, керакли режаларни тузиб олгандик. Сўнг маҳаллий қўмита раиси Дилбар Ғуломова, илмий бўлим мудири Мавлуда Соатова иштирокида ўқиш бошланган кунгача ҳар бир ўқитувчи ва хизматчининг оилавий шароити, ишлаш қобилиятига қараб (талабига кўра) дарс соатлари ва баъзи қўшимча ишлар билан таъмин этдик. Мана шу кунгача бирортаси мактаб маъмуриятидан шикоят қилиб, норози бўлгани йўқ. Ишда ҳам сусткашлик бўлмади. Ўқув-тарбия ишлари кўнгилдагидек ўтмоқда.

— Абдувоҳид ака, мактаб ўқитувчи ва хизматчилари учун зарур бўлиб қолганида ёрдам кўрсатиш учун сизларда қўшимча даромад манбаи борми?

— Ҳа, қийналиб қолган хизматчи ёки ўқитувчи учун ёрдам беришга ҳар доим мактаб ҳайрия фондида пул бўлади. Ҳар йили мактаб боғидан, парникдан 8—10 минг сўмга яқин даромад қилиб турамиз. Мактаб учлик комиссияси касаба уюшмаси раиси Д. Ғуломова, боғбон Б. Хожиев ва ўқитувчи Ш. Шопўлатовнинг қарори билан турли кеча ва байрамларда сарфланади ёки бирор воқеа туфайли зарурат туғилса, ёрдам қаторида берилади. Ўтган йилдан бошлаб зотли совлиқ қўй боқишга киришдик. Ҳозир 4 та совлиқ қўзилаган. Шунингдек, ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги мактабга яқин жойларда яшашади. Ҳаммаларининг томорқа ери бор. Кўпчилиги деҳқончилик, боғбонлик қилиб, қўшимча даромад топадилар. Ҳозирча ҳеч нарсадан нолиганлари йўқ.

— Мактабингизга оталиқ қилаётган ташкилот бордир. Унинг ёрдами ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Бизга Келес темир йўл бекати ёнига жойлашган жунни қайта ишлаб тайёрловчи йирик корхона (раҳбари Аббос Саъдиев) оталиқ қилади. Улардан жуда хурсандмиз. Корхона раҳбари биз билан тез-тез учрашиб туради ва зарур маҳсулотлар билан мактабни таъмин этишга яқиндан ёрдам беради. Айниқса ясли-боғча қурилиши учун зарур бўлган қувур, сувқоғоз кабиларни топишда кўмаклашмоқдалар. Ўтган ўқув йили якунида мактабимиздаги 12 ўқитувчига ёрдам тариқасида жаъми 2400 сўм ажратишди. Шунингдек янги йил кечасида 1-синф ўқувчилари ва ўқитувчиларига совғалар уюштирилди.

Бундай ибратли ишлар Тошкент ноҳиясининг 4-, 9-, 14-, 15-, 19-, 22-ўрта мактабларида ҳам амалга оширилмоқда. Уларнинг ибрати ноҳиядаги бошқа мактабларга ҳам қўл келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Жумҳуриятда хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

«ИШЛАСА БЎЛАР ЭКАН-КУ!»

ЭСИНГИЗДА бўлса керак, газетамизнинг 1991 йил 26 июнь сонида Бўка ноҳиясидан «Қаддингизни кўтариб юринг» сарлавҳали «Инсон ва қонун» рукни билан мақола берилган эди. Мақолада «пахта иши» туфайли ноҳақ қамалиб, жабрланган ва ниҳоят ҳукуматимизнинг марҳамати ва саъйи-ҳаракати билан оқланган бир гуруҳ раҳбарлар ҳақида ёзилганди.

Ана шундан буён орадан бир йил вақт ўтди. Хўш, шу давр мобайнида қаҳрамонларимиз ҳаётида қандай воқеалар, ўзгаришлар содир бўлди? Адолат охиригача етказилдими?

Мутасаддилар билан суҳбатлашиб, айрим маълумотларни олдик. Исроил Анорбоевни колхозчилар талаб қилишиб «Ачамайли» жамоа хўжалигига бошқатдан раис қилиб сайлаб олишибди. Одамларнинг эътироф қилишларича ва мамнун бўлиб сўзлашларига қараганда хўжаликда тартиб-интизом жойига тушиб қолибди.

Абдураззоқ Қурбонқулов ноҳия суғориш тармоқлари бошлиғи бўлиб ишлаяпти. Маҳкам Пўлатов ҳамон ферма мудири.

Шарифжон ҳожи Валижонов фермерлик қиляпти.

Саидраҳим Саймоқовнинг аввалги вазифасига тенг ишга тайинланиши анча чўзилди ва бу жараён қийин кечди. Эҳтимол бунга айрим мутасаддилар ўртасидаги «Саидраҳим аканинг энди ёши ўтиб қолди, барибир аввалгидек меҳнат қилолмайди, бунинг устига илгари шароит бутунлай бошқа эди, ҳозир бошқа, хўжаликка раҳбар бўлиш анча қийинлашиб кетди», дейиладиган фикр-мулоҳазалари устунлик қилгандир! Лекин ҳар қандай одамда ҳам ор-номус, орият бўлади-ку! Ана шу орият кўп ҳолларда қийинчиликларни енгиш, муаммоларни ҳал этиш, ўзини оқлаш, элнинг ишончини қозонишда инсонга битмас-туганмас куч-ғайрат ато этади. Нега айрим ҳолларда бу олижаноб туйғуни ҳисобга олгимиз келмайди? Саидраҳим акага бўлган муносабатда ана шундай ҳолат юз бермадимикин? Уни ниҳоят ноҳия пиллачилик идорасига шу йил 15 мартда директор қилиб ишга тайинлашди.

Лекин, собиқ раис жиндек ўксиган бўлишига қарамай, янги лавозимни қабул қилиб олгач, астойдил ишга киришди. Ўзини, ўзлигини унутди. Бутун маҳорати, тажрибасини ишга солиб, ишончни оқлаш йўлларини қидирди. Назаримизда у-бу йўлларни бирин-кетин топа бошлади. Жамоанинг кайфияти, ишлари, эришилаётган кўрсаткичлар ана шундан далолат берар эди. Бу ҳақда қисқача қилиб айтадиган бўлсак шундай: бош пиллахонада ҳозиргача 180 тонна пилла қабул қилиниб, режа ошириб бажарилди. Дарвоқе, гап, масаланинг моҳияти бунда ҳам эмас, ана шу режа қай тартибда, қай аҳволда ва қай ҳолатда бажарилди? Маҳсулотнинг сифати қандай бўлди? Бунда директорнинг улуши борми, йўқми? Лекин бизнинг бу саволимизга директор ҳар икки гапнинг бирида «мен ҳали янгиман, кўп иш қилиб улгурмадим, деб айтар, ва бу ерда меҳнат қилаётганлардан илғорини айтинг, десак, бирини айтсам иккинчиси қолади-ку, деб унинг-бунинг фамилиясини ёзишни илтимос қиларди. Шу тариқа ён дафтаримизда бош пиллахона лабораторияси мудири Матлуба Мусаева, бош агроном Асқарали Маҳкамов, бўлим агрономи Саида Эргашева, директорнинг ўринбосари Матмуса Бўсиновларнинг исми ва фамилиялари пайдо бўла бошлади.

Бу мутахассислар, ишчи-хизматчиларнинг елиб-югуриши, жон куйдириши, пиллакорлар орасида олиб борилган тушунтириш, бевосита амалий ишлар туфайли звенолар сони 267 тадан ошди. Хонадонларда қурт боқиладиган майдонлар кенгайди. Яйратиб боқилди. Дастага эътибор кучайди.

Албатта, бу ишлар, кўрсаткичлару ютуқлар заминида катта ташкилотчилик ишлари борлигини кўрмаслик инсофдан бўлмас. Ташкилотчилик тадбирларининг моҳияти эса энг аввало инсон кўнглига йўл топиш, меҳнатини енгиллаштириш, руҳияти, кайфиятини кўтаришга қаратилгани муҳим бўлди. Бу осон кечмади. Кўп ўйлашга, бош қотиришга, жон куйдиришга тўғри келди. Биласизлар, пиллахонада иш мавсумий ҳисобланади. Бу ерда ҳар мавсумда 180—200 одам ишлайди. Асосий меҳнат жараёнлари эса қўлда бажарилади. Пиллани тортиб олиб, очиқ ерга тўкиб қўйиб хирмон қилинарди. Сўнг қуракларда олиб, замбилга солиб, қуритиш жойига ташилади. У ердан яна ичкарига, омборга олиб бориб тўкилади ва ейилади.

Нега катта меҳнатлар эвазига етиштириладиган бу хом ашёни очиқ ерга тўкиш керак? Офтобда қолиб, ипаклик хусусиятини йўқотади-ку! Нима учун махсус идишларга жойланмайди? Нега ишни механизациялаштириш мумкин эмас? Директор ана шу ҳақда астойдил жон куйдирди. У ёққа югурди, бу ёққа югурди. Қурувчиларнинг кўнглини олди. Биринчи навбатда эни саккиз метр, кенглиги 70 метр келадиган бостирма қурилди. Қаерлардандир транспортёр қурилмаси, ускуналари топиб келиниб, зудлик билан ўрнатилди.

Яна бошқа ишларга ҳам қўл урилди. Бир вақтлари корхонанинг ўзида пилла жойланадиган симтўрли темир яшиклар кўп бўлган эди. Афсус кейинги йилларда улар қаровсиз қолиб, ишдан чиқиб кетяпти. Кўпи эътиборсизлик туфайли, ҳатто металлоломга ҳам топшириб юборилган. Эсиз, бундай яшикларнинг борлари зудлик билан йиғиштириб таъмирланди. Яна қўшимчалари ҳам у ёқдан-бу ёқдан топиб келинди. Ҳаммаси бўлиб 2 мингдан ортиқ ана шундай идиш тайёрланди. Энди пилланинг ерга тўкилиши ман этилди, хом ашё шу идишларга жойланиб, сўнг транспортёр лентаси орқали қуритиш жойига жўнатилади. Механизациянинг жорий этилиши туфайли ишчи кучлари ихчамлашди. Ҳозир бу ерда бор-йўғи 40—45 одам меҳнат қилмоқда, қанчадан-қанча маблағ тежалмоқда. Тежалган маблағ ҳам ўрнини топиб сарфланмоқда.

Йўлларга асфальт ётқизилди. Кираверишга темир дарвоза ўрнатилди, лаборатория хонаси қурилди, ёзлик ошхона, чойхона битказилди. Келажакни ўйлаб қўриляпти, бу тадбирлар. Атрофда 2 гектар майдон деярли қаровсиз ётарди. Ҳайдалди, буғдой сепилди. Мевали дарахт кўчатлари экилди, терак қаламчалари ўтказилди.

● Мавзуга қайтиб

Директор ўйлайди. Ният қилади. Нега ўзимиз етиштирган ва қабул қилиб олаётган маҳсулотнинг пировард натижасидан ҳам ўзимиз баҳраманд бўлмаслигимиз керак?! Атлас учун ипак толаси йигириладиган фабрика қурилса мумкин-ку, ахир! Бу ҳақда ҳам тегишли ташкилотларга учрашилмоқда.

Ҳар қандай мушкул ишни инсон қалбига йўл топиб, амалга оширса бўлади. Айниқса, ҳозирги қийин иқтисодий шароитда одамларни ижтимоий ҳимоя қилмасдан туриб, мақсадга эришиб бўлмайди. Шу мақсадда ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Баҳоли қудрат дон-дун сақлаб, зарур пайтда ишчи-хизматчиларга тарқатиш мумкин-ку! Шунинг учун ҳам кичкинагина омборхона қурилди.

Кичик корхона ташкил этилмоқда. Пишиқчилик вақтида хўжаликлардан пиёз, ерёнғоқ, беда уруғи ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари олиб қўйилди, сақланади. Кейин сотилади. Бир қисми ишчи-хизматчиларнинг ўзига. Бунинг икки жиҳати фойдали. Корхона иқтисодига оз-моз бўлса-да мадад. Муҳими ва энг кераклиси мавсум тугагач, одамлар бўшаб кетмайдилар. Шу ернинг ўзида иш билан банд бўлиб қолаверадилар.

Сир эмас, пилла етиштириш ва унинг сифатини яхшилаш масаласи кўп мутахассисларни, мутасаддиларни ўйлантиради. Бу тармоққа ўгай кўз билан қараладиган бўлса, кўриладиган зиённинг кўлами кенгайиб кетаверади. Нега бунга бефарқ қараш керак! Ахир бизнинг ҳаётимизни шоҳи-атлассиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу қимматбаҳо хом ашёни кўплаб етиштириш, етиштирганда ҳам сифатли етиштириш, бу борада ҳукуматга ёрдам бериш керак. Сарф-ҳаражатларни мумкин қадар камайтириб, ресурслардан иқтисод қилиб фойдаланиб, маҳсулот таннархини арзонлаштириш эса кўндаланг турган муаммолар юкини енгиллаштиради. Бунинг учун энг биринчи навбатда пиллачиликнинг озуқа базасига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш керак. Сабаб: ҳар йили айрим хўжаликларда тутлардан барг ҳосили олинади-ю, бироқ, ундан кейин қаровсиз қолади. Каллакланмасдан қолиб кетади. Албатта, бундай тутлардан келгуси йилда яхши барг ҳосили олиб бўлмайди. Бирон хўжаликда, бирон туп ҳам тут дарахти каллакланмасдан қолиши керак эмас!

Биз ишонамизки, кўриладиган тадбир туфайли келгуси йил самараси бошқача бўлади. Барг ҳосили 10—15 баравар кўпаяди.

Яна бир масала. Ҳар йили кўп жойларда қурт уруғи одамларга минг азоб билан тарқатилади. Бунинг асосий ва асоссиз сабаблари ҳам бор. Ўз-ўзидан савол туғилади: қишлоқда яшаб, ер-сувдан бошқалар билан тенг миқдорда фойдаланиб, тирикчилик қилиб, бола-чақа боққандан кейин айримлар қурт боқишга келганда нега монелик қилишади?

Экин экиладиган ерни бўлиб олиш, тақсимлашга келганда ҳамма бараварига талашиб-тортишиб ҳақ-ҳуқуқини талаб қилади-ку! Модомики, шундай экан, қурт уруғини одамларга — уларнинг ҳар бирига қанчадан экин майдони, пахта даласи бириктириб берилганлиги — гектарига қараб тақсимлаш керак эмасми? Албатта, шундай қилинса адолатли иш бўларди. Буни қонунлаштириб қўйиш, хўжаликнинг ярим йиллик, бир йиллик ҳисобот йиғилишларида муҳокама қилиб, расмийлаштириб, қарорга киритиш ва бу қарорнинг бажарилишини қатъий қилиб қўйиш шарт.

Саидраҳим Саймоқов бундай хулосага келишдан олдин ўзининг узоқ йил—колхозга раислик қилган пайтларидаги пилла етиштириш ва уни кўпайтириш соҳасида омма билан биргаликда олиб борган ишлари, тажрибаларини кўз ўнгига келтирган эди. Хўжаликда ўшанда пилла етиштириш бир тоннаю 600 килограммдан 9 тоннагача кўтарилган.

Директорнинг ишонч билан таъкидлашича ноҳияда бу йўлни, албатта, қўлланиш керак. Одамларга — уларга биркитилган гектарига қараб қурт тақсимланса, миқдори ҳам оз бўлади. Дейлик, 8—10 грамм. Бунда миқдордаги қурт уруғини боқиш учун битта ўртача хонанинг ўзи кифоя. Ана шунда хонадон соҳибига ҳам осон кечади. Ҳам қуртига, ҳам экинига қараб улгуради. Демакки, пила ҳам бўлади, пахта ҳам. Ҳозир нима бўляпти денг. Ўзини уёқ-буёққа ташлаб, ҳар хил баҳоналарни рўкач қиладиганларга «гап»ларини ўтказолмайдилар. Улар уруғ олмайдилар. Нима қилиш керак? Буёқда бўлса, режадаги маҳсулот кўзланиб, қурт уруғи очириб қўйилган. Қандай бўлмасин уни тарқатиш, мушкул аҳволдан қутулиш керак! Бир амаллаб уни тарқатадилар. Шу ҳисобга айрим хонадонлар чекига 30—40 грамм қурт тўғри келиб қолади.

Жой эса тор, тор жойда қурт уруғи айнийди, бижғийди. Оворагарчилик, ортиқча меҳнат. Буёқда дала иши ҳам қолиб кетади. Аксар ҳолларда дала ишлари айнан парвариш қизғин пайтига тўғри келади. Демак, қишлоқда яшайсанми, қурт уруғи боқишдан бош тортма, ҳамма олиши керак, боқиши керак! Олмаганларга гектар бермаслик зарур!

Ҳозирча эса Саидраҳим Саймоқов ўз режаларини, ўйлаб қўйган ўйларини, тадбирларини ўзи раҳбарлик қилаётган корхонада баҳоли қудрат ҳаётга тадбиқ қилиб, амалга оширмоқда, астойдил ишлаяпти, изланяпти. Кўпчилик унинг меҳнатидан, ташкилотчилик ишларидан хурсанд бўлаяпти. Ҳисоблаб кўринг-а, 15 марта. Шундан буён кўп вақт ўтгани йўқ. Ана шу қисқа вақт ичида талайгина ишлар амалга оширилди. Буни ҳамма кўриб, билиб турибди. Мутасаддилар ҳам тан олаяптилар.

— Очиғини айтиш керак, ҳар йили пилла қуритиш корхонасида у ёки бу муаммолар чиқиб турарди. Шуғулланишга, елиб-югуришга тўғри келарди, — дейди ноҳия ҳокими ўринбосари Рустам Худойқулов, — энди бу ташвишлардан қутулиб қолдик.

Рустам Худойқулов ҳақ эди. Ўринбосар бу гапларни ишонч, ғурур ва фахр билан дадил айтаётган эди.

Ҳа, раҳбарнинг узоқ йиллар давомида, не-не қийинчиликларни енгиш, ўқиб ўрганиш, ҳаёт мактабидан билим олиб, сайқал топган, қаймоқ боғлаган тажрибасининг қийин дамларда ниҳоятда қўл келганлигига ишонч ҳосил қилдим. Шунда анча ночор бўлиб қолган, бугунги кунда ўзини ўнглаб олаётган пиллахонанинг ҳозирги аҳволидан мамнун бўлиб, одамларнинг, «Қаранг, ишласа бўларкан-ку, ахир!» деб айтган гапларини эсладим.

Н. РИХСИЕВ.

● Истибдод қурбонлари

ДОВЮРАК ОЛИМ ҚИСМАТИ

Шўро ҳукумати ва унинг суянган таянчи бўлган «социалистик демократия» камарбасталарини дунёдаги энг адолатли ва илғор жамият ижодкорлари сифатида бетиним мақтадик. Минг афсуски, Сталин раҳбар бўлган бу ҳокимият бедодлик ва истибдодда тенгсиз эди. «Халқлар доҳийси» ўзи яратган «социалистик тузум»да ҳеч бир бегуноҳ зиёлиларни қатл этишни ўзининг оддий ишига айлантирди. Аниқроқ айтганда, «халқлар доҳийси»га яхши кўринишга ҳаракат қилган гумашталари томонидан буюк инсонлар ҳеч бир гуноҳсиз йўқотилдилар. Халқимизнинг асл фарзандларидан Ашурали Зоҳирий ана шундай бегуноҳ қатл этилганлардан бири эди.

Атоқли шарқшунос олим ва ўқитувчи бўлган Ашурали Зоҳирийни НКВД жаллодлари 1930 йилда «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбарларидан, «Ботир гапчилар» миллатчилик гуруҳининг етакчиси, «пантуркист», «босмачилик ҳаракатининг ташаббускорлари»дан, «Шўро ҳукуматининг душмани», «ўз ўқувчи ва шогирдларини советларга қарши тарбиялаган» каби бўйнига қўйилмаган «айблар» билан қамоққа олишиб, «учлик» томонидан ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилдилар.

Жазони муддатидан олдин — 1934 йилда ўтаб келгач, 1937 йил 5 сентябрь куни такрор қамоққа олинган Ашурали Зоҳирийнинг ҳаёти бу сафар ўта хавф остида қолди. Мана бир мисол: туққан онасини ҳам танимайдиган, ўта миллатчи, сотқин ва муштумзўр Гайнутдинов деган НКВД терговчиси 1937 йил 11 сентябрь куни Ашурали акани ўз тергов хонасига чақиради. Очлик ва қийноқлардан ўлар ҳолатга келган аллома икки қўли кишанда олиб чиқилади. Гайнутдинов нафасни ростлаб олгач, олдиндан тайёрлаб қўйилган «Сўроқ протоколи»га қўл қўйдириш учун Зоҳирий қўлига ручка тутқазади. У бу ифлосгарчиликдан бош тортади. Шунда Гайнутдинов ҳайвоний бир тусда Ашурали акага юзланади:

— Қайси аксилинқилобий ташкилотда бўлгансан?— сўрайди қаҳр билан.

— Бу саволингга жавобни ўша 30-йилда айтганман! — деб жавоб беради у.

Ўша пайтда туркий кайфиятдан юз бора «қайтган» давлат хавфсизлиги қўмитаси терговчиси Гайнутдинов олим гарданига қуйидаги «айб»ларни юклаган эди:

«Ашурали Зоҳирий қандайдир қишлоқдан (Қўқоннинг Ойим қишлоғидан чиққан деган жумлани айтишни эп кўрмасдан — Ҳ. У.) чиққан қулоқ боласи, у жадид; Шўро исломчилари ҳаракатининг фаол иштирокчиси. Демак, у аксилинқилобчи.

А. Зоҳирий ашёвий далилларга кўра ўзининг аксилинқилобий миллатчилиги билан сайловларда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши керак эди. Бироқ баъзи доирадаги дўстлари орқали у қўллаб-қувватланиб эътиборсиз қолдирилган. У советлар томонида ишлаб туриб, ойига 600 сўмдан маош олган. Шунга қарамай Шўро ҳукуматига қарши кураш олиб борган.

А. Зоҳирий газета билан («Янги Фарғона») жуда яқин эди. Бунга Лутфулла Алимов шароит яратган. У газетанинг ички сирларини доимо А. Зоҳирийга етказиб турган. Рўзнома муҳаррири Л. Алимов Зоҳирий орқали аксилинқилобий ташкилот «Ботир гапчилар»га жалб этилган» (п-33391-иш, 17-жилд, 301-бет).

Ана шундай «қуроллар» негизида «қайси аксилинқилобий ташкилотда қатнашгансан?», деган саволга ўша пайтда, яъни 1930 йил 23 апрелдаги терговда: «Аксилинқилобий миллатчи бўлмаган «Миллий иттиҳод» ва «Ботир гапчилар»га фаол аъзо бўлганман» дея аниқ жавоб қилган эди. Сўроқлардан бирида терговчининг «Шўро ҳукумати халқни налог орқали қонини сўраяпти деб айтганмисан?», деб берган саволига Ашурали ака «Фарғона» газетасининг 1923 йил 24 март сонида «Замонлар ўзгариб турмушнинг ости устига келар» ҳамда шу йил мазкур газетанинг 29 май сонида «Налуглар тўғрисида» катта публицистик мақолаларида «Ҳа, халқнинг қони, жони ана шу налоглар орқали сўрилмоқда, инсофсизлик халқнинг тинкасини қуритмоқда», деган одилона фикрларни айтган эди.

У халқнинг кўзини очиш учун жуда катта ташвиқотчи сифатида ёзган эди:

«...Биздан бошқалар ўтганни ўйлаб келасига ҳозирланар. Турмушини тузатмоққа планлар қурар, бахт ва саодат йўлларини истар. Биз бўлсак, бизнинг фикримиз бутун бошқача. Биз ўтганни — тарихнинг кўрсатганини ҳеч бир ўйламаймиз, билмаймиз, билгумиз ҳам келмайди. «Мишиқнинг югургани лўкидонгача» деганинг сингари жуда ўйлаганларимиз бўлса, фалон хоннинг замони ундоқ эди, деймиз. Келажакни яхши ўйлашга ўрганайлук» («Фарғона», 1923 йил, 24 март, 65-сон).

Албатта, Ашурали Зоҳирийнинг бундай чиқишлари янги тузум камарбасталари учун ҳар қандай аксилинқилобчи, миллатчи, Шўро душмани деган тушунчадан минг чандон хавфли фикрлар эди, Шўро ҳокимиятига нисбатан амалий душманлик, халқ учун ғамхўрлик тимсоли эди.

Терговчи ўйлаб ўтирмади. Бу аниқ ва лўнда жавоб учун Гайнутдинов маҳбусни ўз «одиночка»сига равона қилади. У камерада 9 кун ҳушсиз ётади. Ўзига келгач, такрор ўша олдинги саволлар, камситишлар давом этади.

Терговчининг «Сталин конституциясини ҳақорат қилганинг тўғрими?», деб берган саволига у тик туриб: «Ҳа, тўғри! Сталин конституцияси халққа ҳеч нарса бермади. У чегара ортидаги қуруқ афишадир», дейди.

Ашурали Зоҳирийнинг НКВД ҳужжатасровида сақланаётган 7876-рақамли ишида кўрсатилишича, Умарҳўжа Ҳамидов, Абдулла Қаҳҳор, Ғофиржон Мусаханов, Лутфулла Алимов, Ёқуб Омонов, Абдулла Солиев каби 86 бегуноҳ ҳибсга олинган. Давлат хавфсизлиги қўмитаси «учлик»лари А. Зоҳирийни 1937 йил 4 декабрдаги суд мажлисида олий жазо — отувга ҳукм қилди ва ўша куни ҳукм ижро этилди (7876-иш, 36-бет).

Надоматлар бўлсинки, СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан Зоҳирийнинг рафиқаси Малика опага 1957 йил 3 майда ёзилган жавоб хатида Ашурали ака 1942 йилда турмада ўз ажали билан «ўлганлиги» айтилади. Ана, орган ходимлари ва қонуншуносларнинг инсон тақдирига муносабатлари?!

Ашурали Зоҳирий аслида ким эди? Нега ғаламислар унга нисбатан бу қадар ваҳшийлик қилдилар? У 1885 йилда Қўқон атрофидаги Ойим қишлоғида туғилган. Дастлаб Қўқондаги Мадалихон мадрасасида таълим олган. Эскича билимдан қаноат ҳосил қилмаган Ашурали мустақил мутолаага берилади ва классик адабиётимиз намуналарини ўргана боради.

У 1907 йилнинг март ойидан бошлаб Қўқон рус-тузем мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради. Саводсизликни тугатишнинг йўлларини устози ва энг яқин дўсти Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан сўраб иш кўрувчи А. Зоҳирий секин-аста ўз даврининг етук зиёлисига айланди.

А. Зоҳирий 1910 йилдан бошлаб газеталарда замон руҳига мос мақолалари билан қатнаша бошлайди. Унинг бу мақолалари ўзбек тили масалалари, мактаб ҳаёти, ўқув-тарбиявий ишларга бағишланиб, туб моҳияти билан халққа зиё тарқатиш руҳида ёзилган эди. А. Зоҳирийнинг бу асарлари кўпроқ «Садойи Фарғона» ва «Туркистон вилоятининг газети»да чиқа бошлайди.

А. Зоҳирий 1916 йилда Қўқон мадрасасини ҳам тугатади ва «Садойи Фарғона» газетасида ишлай бошлайди. 1917 йилда у Қўқонда «Дорилмуаллимин» мактабини ташкил этади ва келажакка интилувчи, маърифатпарвар малакали кадрлар тайёрлашга киришади. Ўз мактабига кўпгина маърифатпарвар татар муаллимларини таклиф этади. Булар орасида машҳур педагоглардан Булат Солиев, Абдулла Вустақаев ва Ҳоди Файзиевлар бор эдилар.

Ашурали Зоҳирийнинг бу янги усулдаги мактаби ўз фаолиятини 1922 йилгача давом эттиради. У 1922 йилда Фарғона шаҳрида таниқли ўқитувчи Ҳусан Ниёзий иккинчи босқич совет мактабини ташкил этгач, «Дорилмуаллимин» унга бирлашиб кетади. Бу икки мактаб негизида педагогика техникуми ташкил этилади.

Моҳир мураббий Ашурали Зоҳирий тилшунос сифатида ўзбек орфографияси, ёзув тарихига оид ҳукумат йиғилишларида ҳам фаол қатнашади. У 1921 йилнинг январида Тошкентда бўлган ўзбек тили ва орфографиясига бағишланган 1-ўлка анжуманида иштирок этиб, ўзига хос қимматли фикрларини ўртага ташлайди.

А. Зоҳирий араб, форс, рус ва татар тилларини пухта ўрганган эди, бу тилларда бемалол мақолалар ҳам ёза биларди. Унинг қўлида кўплаб адиб ва олимларимиз таълим олган, улар адабиётга бўлган илк ҳавасларини шу доно инсондан ўрганганлар. Атоқли ёзувчи ва шоирлардан Абдулла Қаҳҳор ва Собир Абдулла ҳам А. Зоҳирийнинг шогирдларидан эдилар.

Бутун қалби халқига сидқидилдан хизмат қилиш билан тўлиб-тошган А. Зоҳирий 1923 йилда ҳукумат томонидан «Меҳнат қаҳрамони» деган юксак унвон билан тақдирланади. У 1926 йилнинг ўрталаригача педагогика техникумида она тилидан дарс беради, сўнг яна ўзи ишлаган жойи — «Янги Фарғона» газетасига ўтиб, 1930 йилгача шу жойда ишлайди. У Қўқон халқ маорифи мудири Умар Ҳамидов, Маматқул Ҳолдоров, Комилжон Қосимов, Абдулла Раҳмат, Носир Эркин билан бир сафда туриб, халқнинг кундалик ҳаётини акс эттирувчи кўплаб мақолалар ёзади.

Ашурали Зоҳирий мумтоз адабиётимизни, айниқса Навоий асарларини яхши биларди. У ўзбек ўқитувчилари учун «Имло» номли китоб ёзади. Бу китоб Қўқондаги «Ғайрат» кутубхонаси томонидан нашр эттирилади. У тўрт йиллик ўзбек мактаблари учун болаларга савод ўргатишга мослаб тузилган эди. Дарслик замон руҳига мос яратилган бўлиб, у чиққунга қадар имло қоидалари ҳақида бирон та ҳам қўлланма йўқ эди.

Ашурали Зоҳирийнинг ўзбек тилшунослиги олдидаги улкан хизматлари шундаки, у ўзбек имлосининг илмий асосини яратди, биринчи бўлиб ўзбек тили бўйича дарслик ёзди. Биз унинг қаламига мансуб бўлган «Мир Алишер», «Келурнома» ҳақида» (1925) каби ўнлаб адабиётшуносликка, «Она тили», «Шўро жавобига тақвиқ, мулла А. А. Қориға раддия» (1914), «Тил ва имло масаласи», «Лаб оҳанги» (1929) каби элликдан ортиқ тил илмига оид бақувват мақолаларига эгамиз. Атоқли олим 1926 йилда ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб «Русча-ўзбекча луғат» (784 саҳифа) нашр эттирди. Унинг бу луғати ҳозирги ўзбек лексикографиясига асос бўлган десак, янглишмаймиз.

Ашурали Зоҳирий «Жаҳолатнинг туб моҳияти — билимсизлик ва нодонликдир», дейди. У «Илм ва маърифат кишилари ҳар бир ишни ҳал қила олурлар, улар кенг мулоҳаза билан иш кўрурлар. Бироқ жоҳиллар эса бундай мулоҳаза қилурға ақл ва фаросатлари етмас», деб маърифатни жаҳолатга қарши қўйган аллома эди. Биз ана шундай буюк инсондан ажраган эдик ўша қатағон йиллари...

Қуйида атоқли олим, улкан педагог, юксак дидли исёнкор журналист томонидан 1914 йилда ёзилган «Она тили» номли мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ҳайдарали УЗОҚОВ, тил ва адабиёт илмлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Жумҳурияти халқ таълими аълочиси.

ОНА ТИЛИ

Ашурали ЗОҲИРИЙ

БИР МИЛЛАТНИНГ ўз тилидаги китоб, рисола, ғазета, жўрнал ва бошқаларига бир сўз билан адабиёт (литература) дейилур. Шунинг учун арабча китоб ва рисолаларга «адабиёт арабия», турк, татарча бўлғонлариға «Турк адабиёти», «Татар адабиёти» дейдурлар.

Дунёда яшаб турғувчи ҳар бир миллатнинг илмда ҳозирда ва бошқа тўғриларида қайси даражада эканлиги адабиёти билан ўлчаниб, адабиёти бой бўлган халқни ҳар важдан олдида ва юқорида эътибор қилинур. Билакси адабиёти бўлмаган, бўлса ҳам борлик, йўқлик (ёғи соб бўлган чироғдек ўчир очмас) бўлса, ул тилнинг бошқалар олдида ҳурмат ва эътибори бўлмас ва ҳам ҳар нан ҳаёт ижтимоий ва маданиятдан баҳра ололмас. Бас, энди бизда ҳам ул «адабиёт» деган нарса борму? Ё йўқ?! Йўқ, деса хато бўлмайдурғон бир даражада бордурки, ул инсон нима қилишни билмайдирғон кишининг қўлига тушган хом тилладек борган сари они қорайтурюр, чиритилур, охири темурға, ё бошқа нарсаға олиштурюлур.

Мана шул қабулдан бизнинг ҳам хоҳ уламо ва мударрисларимиз ва хоҳ ёш ўсмурларимиз бўлсунлар, бу муқаддас она тилимизни тербатур мақоллари онда турсун, балки йўқотмакликка сабаб бўлурлар ва ҳам бўлиб турибдилар.

Нечунки, уламоларимиздан бири, бирор ерға хат ёзса ёки бировга берган нарсасини хотира дафтарига ёзса, ўз она тилини қўйиб, порс тилида ёзадурлар. Ҳаммасидан ҳам сирлики буладурки, янги дарс ўқимоққа бошлағон, ўз она тилини ҳам дурустлаб билмайдурғон бир шогирдиға дарс берганларида, порсийча таржима билан ўргатадурлар (аввал туркий сарф, наҳв ўқитмоқни онда қўейлик). Ҳеч бўлмаганда ўшал арабча сарф, наҳвни туркий тилига тадбиқ қилиб, яъни, онинг киргилик ўринлариға тилидан мисоллар кўрсатиб айтиб берсалар арабчага зеҳни киришиб бунинг бараварида ўз она тилини ҳам бир нарсага ярайдиғон тил айгонлигини билиб она тилиға, меҳнати бир даража ортиб, тартибға солиб борур эди. Ҳоло ул қандоҳ?

Ёш унсурларимиз бўлсалар ўз ерликларидан бирини зиёфатқа чақириб хат ёзсалар ҳам усмонлича ёки татарча ёзадурлар. Бояки она тилиға муҳаббат ва ислоҳи онлардан қутурлар эрди.

Буларнинг сабаби ҳам равшандурки, биринчилари: ўзларини эрон адабиёти таъсири билан нурланган бўлсалар, иккинчилари: татар ва усмоний адабиёти воситаси билан фикрларини очгандирлар. Шунинг учун ҳар икки синф ҳам ўзларининг «нур» олғон тарафлариға қараб тортадурларда она тилларига ҳаққоний назари билан боқиб, кундан-кун эсдан чиқармоққа бошлайдирлар.

Дуруст, порсийча, арабча, ўрусча ва бошқаларни ҳам билайлик, билайликкина эмас, жуда яхши билайлик. Лекин она тилимизни ҳаммасидан ортиқ, зиёдароқ билайлик, сарф ва наҳвлари билан билайлик ва ҳам шундоқ бўлғонда арабча, порсийча ва бошқаларға тушунурмиз. Қачонки, ўз она тилимизни яхшилаб билмадикми, бошқа тилни албатта дуруст билмаймиз.

Шунинг бирла на они билурмиз ва буни!

Ҳижрий 900-йилда ва бундан илгарироқ ҳам Мавлоно Лутфий, Амир Навоийдек зотлар вужудға келиб 40 га яқин асарлари бирлан она тилимизнинг бошқат тилларга назаран бойлигини, шеърда берилғон мазирини (ғоя, мақсад), мусиқа (музика)да бўлғон латофатини «Мезон ул-авзон» ва «Муҳокамат ул-луғатайн»ларида билдирғон эдилар.

Туркияни дўст тутган киши жўғрофияни ўқиб кўриб, Туркиянинг мунча ерлари қўлидан чиқиб кетгониға юраги ёниб жони сиқилғонидек она тилиға муҳаббати бор киши ҳам Амир Навоий асарларини ўқиб кўргонда, тилимиз аввалида шунча бой ва мукаммал экан, нима қилдикки, ул латофат, ул нафосатларини йўқотуб киши танимайдурғон бир ҳолга келтуруб қўйдик деб, оҳлар тортур.

Нечукки ҳар бир инсоннинг жонидан азиз нарсаси дин ва миллатидур. Ул дин ва миллатни муҳофазати ҳам ҳар афрод (шахслар, кимсалар) инсонга вожибдир. Они муҳофазати она тилининг муҳофазати билан бўлур, қачонки бир миллат тилини йўқотса, у муқаддас динини ва миллатини ҳам йўқатур.

Татар қариндошларимизнинг ҳозирги тил ва адабиётларини бундан ўн-ўн беш йил илгари чиққан адабиётлариға тадбиқ қилинса қиёс қабул қилмаслик даражада оларнинг тилларини кенгаймоғи миллий ва она тилидоғи ғазеталари билан бўлди. Демак, ғазета ва жўрналларнинг дунё аҳволидан ва бошқа тўғриларидан халқға хабар бериб турмоғидан ва бошқа улуғ ва кўзга кўринмайдурғон бир фойдаси бўлурки, ул она тилининг кенгаймоғи ва мукаммаллашмоғидур.

Бунинг бирлан миллат ўзини дунёда борлиғини билдириб, она тилида ўқутмоқ ва таълим бермоқ масалалари чиққанда ўзиға айрим тили борлар қаторидан ҳисобланиб тили йўқлар қаторига кириб қолмас.

Туркистонда чиққан ғазета ва жўрналлар, тил тўғрисиға ҳеч бир илтифот қилмадилар ва ҳали ҳам эътибор этмаслар.

Такрор айтаман, ғазета она тилиға хизмат этсун!

Вақти келганда миллатни тили йўқлар қаторида қолдурмасун!

«Садои Фарғона» (1914 йил, 13 апрель № 3) газетасида босилган. Матнни араб ёзувидан ҳозирги ёзувга Ҳ. УЗОҚОВ ўгирган.

● Сапай чаққон латифалар

БОЗОР БАҲОСИ

● ШИФОХОНАДА даволанаётган Салайни хотини йўқлаб келиб, олиб келган мева-чеваларини сумкасидан чиқараётганда, Салай хотинидан сўрабди:— Бу олманинг килоси қанча экан?

— Ўттиз беш сўм!— дебди аёли.

— Лимоннинг донасичи?

— Ўн беш сўм!

Салай бозордаги нархларнинг ҳаддан ташқари ўсганлигини эшитиб, диққат бўлиб турса, ҳамшира қиз кирибди:

— Салай ака, укол қилдирмайсизми ёки уколдан қўрқадиган бўлиб қолдингизми?— дебди.

Шунда Салай:— Йўқ, укол у ёқда турсин, ўлимдан ҳам қўрқмайман.

— Ундай бўлса нимадан қўрқасиз?— сўрабди ҳамшира.

— Ҳозирги бозор баҳосидан,— дебди Салай.

ТОКЧАЛАР ЎЗ ЎРНИДА

● БОЗОР иқтисоди бошлангандан кейин дўконларда мол деган нарса йўқола бошлабди. Салайнинг яқин оғайниси тўй қилмоқчи бўлиб, унинг дўконига кўп умид билан келса, бу ерда ҳам ҳеч вақо йўқ экан. Бу ҳолдан у кишининг жаҳли чиқиб:— Тушган молни орқа эшикдан чайқовчиларга ўтказиб, ўзингдар дўконни қўриқлаб ўтирибсизларми?— дебди.

— Хафа бўлма, дўстим. Мол бўлмагани билан мол қўядиган токчалар ҳозирча ўз ўрнида,— деб жавоб берибди Салай.

ШИШАЛАР СОҒМИ?

● БОШ-КУЗИ ёрилиб, кийимлари йиртилган ҳолда келаётган қўшнисини кўрган Салай ҳайрон бўлиб сўрабди:— Ҳой қўшни, нима бўлди? У киши дебди:—Дўконга ароқ тушган экан, қарасам у касофат менга етмайди. Шундан кейин навбатга қарамай ароқ олиб чиқсам, бошқалар кўролмасдан мушт туширишди.

Шунда Салай:— Ўзингку майли, ишқилиб шишалар соғми?— дебди.

Б. ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

КОРЕЙС ТЕАТР СТУДИЯСИ

Ўзбекистон хореография билим юрти рақс санъатининг умидли ёшлари учун чинакам маҳорат мактабига айланиб қолган. Бу ерда таҳсил кўраётган ёш истеъдодлар устоз санъаткорлар қўлида билим ва иқтидорларини ўстириб, ижодий жамоалар сафига қўшилиш учун ўз устиларида қунт билан иш олиб бормоқдалар.

Эндиликда мазкур даргоҳда турли миллатга мансуб ижодий гуруҳлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Билим юртида махсус корейс гуруҳининг тузилиши ҳам қувонарли ҳоллардан бири бўлди.

Ана шу гуруҳнинг очилишида «Син-Сэн» деб аталувчи корейс фольклор театр студияси бош-қош бўлди. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси қошида фаолият кўрсатиб келаётган ушбу театр-студиянинг истиқболи катта. Шунга кўра унинг сафини истеъдодли ёш раққосалар билан тўлдириб бориш тадбирлари кўрилмоқда. Шу мақсадда билим юртида корейс гуруҳи тузилди. Корейс ёшларидан иборат бир неча қобилиятли, умидли ёшлар таҳсил кўрмоқда.

Гуруҳ «Син-Сэн» фольклор театр-студиясига ўзининг навбатдаги кадрларини юбориш арафасида турибди.

А. АЛИЕВ.

• ОҲАНГАРОН ЯНГИЛИКЛАРИ

НОМЛАРИ ЎЗГАРДИ

Вилоят ва район ҳокимларининг қарорлари билан узоқ вақтдан бери номлари ҳўжалик, мактаблар ва бошқа ташкилотлар пештоқларини «безаб» турган маршаллару фазогирларга «жавоб» берилди.

Илгари маршал Жуков номи билан аталган ҳўжаликка «Бирлик», Будённий номи билан аталиб келинган жамоага «Дўстлик» номи берилди. Ворошилов номи билан узоқ вақт аталиб келган совхоз «Ўзбекистон», Куйбишев номли совхоз эса эндиликда Алишер Навоий номи билан аталмоқда. Қорахтойдаги Гагарин номли 12-ўрта мактабга шу илм-оҳда 25 йилга яқин директорлик қилган, марҳума муаллима Ҳуррият Деҳқонованинг номи қўйилди. Валентина Терешкова номидаги 15-ўрта мактаб эса энди машҳур давлат арбоби Шароф Рашидов номини олди. Илгари «ВЛКСМ 50 йиллиги» номи билан танилган давлат хўжалигига қишлоқнинг эски номи «Янги ҳаёт» қайтариб берилди.

●

РЎЗНОМАГА БАҒИШЛАНГАН ШАНБАЛИК

Бу йил «Оҳангарон» рўзномаси 60 ёшга тўлди. Яқинда унинг юбилей тантаналари ўтказилди. Ноҳиядаги «Оҳангарон» давлат хўжалигининг биринчи бўлими ишчилари ҳайрли ташаббусни бошладилар. Шу йил 27 июнь куни рўзноманинг 60 йиллигига бағишланган шанбалик ўтказиш ва ундан тушган даромадни рўзнома фондига беришга қарор қилдилар. Бу ташаббус райондаги ҳамма тадбилотлар, фермерлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Агросаноат ходимлари касаба уюшмасининг район қўмитаси ташаббусни маъқуллаб махсус қарор қабул қилди. Рўзноманинг 60 йиллиги муносабати билан шанбалик ўтказишга қўшилувчилар сафи кун сайин ортиб боратёгир. Район ҳокимининг қарори билан ҳоким муовини И. Бобоқулов раислигида шанбалик ўтказиш комиссияси тузилди.

●

ЯНГИ ЦЕХ

«Ўзбекистон» совхозининг сабзавоткорлари энди помидор ортиб Янгийўл томат заводига бормайдиган бўлишди. Хўжаликнинг ўзида томат ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилмоқда. Бу ерда бир кеча-кундузда 25—30 тонна помидорни томатга айлантириш мумкин. Цехга қўшни ижара ширкатлари ҳам помидор топшириши кутилмоқда.

Цех хўжаликка каттагина даромад келтиради.

●

ҚУЛИ ШИРИН ОШПАЗ

Район матлубот жамияти умумий овқатланиш муассасасига қарашли 2-ошхонага хўрандалар бетиним қатнашади. Бу ерда кўпдан бери ишлаётган бош ошпаз Ёқуббек Усмоновнинг ширинсуханлиги, пазандалиги кишилар диққатини ўзига тортмоқда. Овқатларнинг нархи ошиб, сифатлари пасайиб бораётган ҳозирги пайтда Ёқуббек ака таомлар сифатини янада яхшилашга ҳаракат қилаётир. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган овқатлар бошқа ошхоналарга нисбатан анча арзон.

Мўмин ҚАЮМОВ.

●

ДОРИВОР ГИЁҲЛАР

ОҲАНГАРОН ноҳияси ўрмон хўжалиги «Гўштсой» участкасини бир неча йилдан буён жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўрмончи Абулқосим Мамуржонов бошқаради. Унинг ташаббуси билан кўпгина хайрли ишлар қилинмоқда. Ўтган йили ўрмончилар 3290 килограмм қуритилган мева, 1200 килограмм наъматак меваси, шунингдек, 2200 килограмм чой ўти, кийик ўти ва бошқа доривор гиёҳлар тайёрлаб топширдилар. Бу йил ҳам ишлар режа асосида олиб борилаяпти.

Хўжаликнинг Мирза Мадалиев бошлиқ асалчилари ҳам шифобахш неъматдан мўл ҳосил олиш учун маҳорат, тажрибаларини ишга солмоқдалар.

У. ЖУРАЕВ.

ҚУРЪОНИ КАРИМ — ЎЗБЕК ТИЛИДА

Мусулмонларнинг қутлуғ байрами — Қурбон ҳайити арафасида Ўзбекистоннинг «Чўлпон» нашриёти халқимизга ажойиб туҳфа тортиқ қилди: Қуръони Карим тўла китоб ҳолида босмадан чиқди.

Китобга 1990, 1991, 1992 йилларда «Шарқ юлдузи» журналида сонма-сон эълон қилиб борилган таржима асос қилиб олинган. Моҳир таржимон Аловуддин Мансурнинг шарҳ ва изоҳлари билан берилган бу китоб 43 босма табоқни ташкил этади. Унинг таҳрир ҳайъати устоз Абдулҳаким қори Абдулвосеъ ўғли Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф, Нур Али Қобул, Зоҳиджон Қодир, Абдулазиз Мансур, Алибек Рустамий, Ўткир Ҳошим, Муҳаммад Али, Ҳайриддин Султонлардан иборат.

Китоб охирида берилган Кўрсатгич ўқувчига катта қулайлик туғдиради. Бу Кўрсатгич тарихий шахслар, пайғамбарлар, энг муҳим воқеа, ҳодисалар, атама ва тушунчалар тўғрисида (масалан, Луқмони Ҳаким, Мусо Алайҳиссалом, Ийсо Алайҳиссалом, Нух Алайҳиссалом, намоз, ота-она, охир замон белгилари, рўза, уйланиш, хотинлар, яхшилик ва ёмонлик, қасам, ҳаж ва ҳоказолар) Қуръони Каримнинг қайси сура ва нечанчи оятларида хабар берилганини топишда кўмакчи бўлади. Уни Йўлдош Парда Қуръони Каримнинг олмон тилига таржима қилиниб, чоп этилган нусхасида берилган Кўрсатгичдан фойдаланиб тузган. Китобни нашрга тайёрлашда Анвар Турсунов ва нашриёт муҳаррири Аъзам Ўктамларнинг меҳнатларини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Рассом Баҳром Шомансур муқаддас китобга мос безакдар ишлаган.

«Чўлпон» нашриёти бош муҳаррирининг ўринбосари Турсунбой Адашбоев халқимиз орзиқиб кутган китобни меҳр билан чоп этишда рангли қоғоз босиш фабрикаси ишчи-хизматчиларининг меҳнатини кўрсатиб ўтиш лозимлигини уқтирди.

— «Қуръон» қандай тарқатилади?

— Нашриёт уни биринчи навбатда тузилган шартномалар асосида жойларга етказиб беришни мўлжалламоқда. Дастлабки 100 минг нусхаси тайёрлаб қўйилди. Кейин халқнинг эҳтиёжига қараб яна нашр этиш режаси бор.

Аллоҳнинг муқаддас каломи — «Қуръон»нинг илк бор ўзбекча китоб ҳолида чоп қилиниши халқимиз тарихи ва маданий ҳаётида муҳим воқеадир.

Зотан, китоб пировардида ҳам муҳтарам ўқувчиларга мурожаат қилиб «Бу қутлуғ каломни ўқиган, ҳукмларига амал қилган ва бошқаларни ҳам шунга даъват этганларни Парвардигор тўғри йўлга ҳидоят айласин» дейилган.

Куни кеча Қуръони Карим дастлабки китобхонлар қўлига тегди.

С. МУСАЕВ.

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

КУНДАЛИК ТАҚВИМГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

ҲОЗИР матбуотимизда тарихий мавзуларда кўпдан-кўп мақолалар чоп этилиб, халқимизнинг маънавий эҳтиёжи учун савобли ишлар қилинмоқда. Уларни ўқир эканмиз, маданиятимиз ва илму маърифатимизнинг ниҳоятда қадимийлиги ва бойлигидан фахрланамиз. Буюк алломаларимизнинг қадим замонларда вақтни аниқлаш учун ва табиатда бўладиган ўзгаришларни муайян тартибга солиб тузган тақвимлари ўз даврида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, IX—X асрларда Умар Ҳайём, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Фаробий каби улуғ донишмандларимиз тақвим тузишгани бизларга маълум.

Яқинда 1914 йил Қозонда нашр этилган кундалик тақвимнинг 27 март, пайшанба кунига бағишланган варағи қўлимга тушиб қолди. Уни ҳозирги давримиз билан солиштирганда киши ҳайрон қолади. Аввало, у қоғозининг нафислиги, сифати ва шу вақтгача, яъни 78 йил ичида ўзгармаганлиги билан кишини таажжублантиради. Ўша 27 март пайшанба, ҳижрий ҳисобда 1332 йил 29 жамоди ал-аввалда кун узунлиги 12 соат 39 минут бўлган. «Сабоқ китобхоналарида фаний ва одоб китоблари сотилмоқда» деган сўзлар, Қозон, Уфа, Тошкент ва Астраханда шу куннинг вақтлари, қуёшнинг чиқиши ва ботиш жадвали, Лермонтовнинг шеърidan икки сатр ва кичкина ҳикоя ҳам босилган. Қаранг, бир кунга мўлжалланган варақка қанча маълумотларни жойлаштиришган?!

Кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг зиёлилари ҳам бу соҳада хайрли ишлар қилдилар. Хусусан, бир неча йиллар давомида чиқариб турилган «Ўзбекча календарь» халқимизга ниҳоятда манзур бўлган эди. Ҳатто қўшни жумҳуриятлардан, жумладан, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда яшаётган ўзбеклар ҳам ана шу тақвимни олиб туришарди. Шахсан ўзим ҳар йили Тожикистондаги қариндошларимизга совға сифатида унинг 10—12 донасини юборардим. Лекин минг афсуски, бугунги кунга келиб, бўлар-бўлмас баҳоналарни рўкач қилиб, халқимизни кундалик тақвимдан маҳрум қилиб қўйдик. Бизнингча, бу тақвимни турли қомусларни чоп этувчи нашриётнинг махсус бўлими чиқармоғи лозим. Қоғоз етишмайди деб баҳона қилишга ўрин йўқ. Агар китоб дўконларимизни айланиб чиқсангиз, баҳоси умуман ёзилмаган, лекин келишилган нарх бўйича сотилаётган кўпдан-кўп китобларга дуч келасиз. Бу нашрларга қоғоз топилган экан, кундалик тақвимга ҳам топиш мумкин деб ўйлайман. Бугунги кунда тақвимни чиқаришнинг уддасидан чиқадиган олим ва ноширларимиз йўқ дейишга ҳеч тилим бормайди. Халқимизга сув ва ҳаводай зарур, кундалик ишларимизга дастур, билимимиз ва дунёқарашимизни бойитиш манбаи бўлмиш ўзбекча тақвимнинг чиқарилмаётганлигига асосли сабаб йўқ деб ҳисоблайман. Бу фақат ана шу ишга масъул бўлган шахсларнинг эътиборсизлиги бўлиши мумкин. Мен уларга рўзнома орқали мурожаат қилиб, ушбу маънавий заруриятга диққатларини қаратишларини истайман.


Ангрен шаҳар фуқаролари номидан:
И. САЙФУДДИНЗОДА.



ПОЙТАХТИМИЗ ДАГИ «Кафолат» бирлашмасининг Юнусобод район техник савдо марказида хизмат қилаётган 70 дан ортиқ усталар кунда 130—150 хонадонларда бўлиб ва устахонанинг ўзида яна кўплаб аҳолининг ҳожатини чиқармоқдалар. Марказга Абдумалик Исроилов бир неча йиллардан бери раҳбарлик қилиб келмоқда.

Суратларда: буюртма қабул қилувчи Б. Содиқов таъмирланган телевизорни эгаларига топширмоқда; марказнинг қўли гул усталаридан ҳисобланмиш Маҳмуджон Эргашев мана 10 йилдирки, мижозлар ҳожатини чиқариб келмоқда (пастдаги сурат).

А. МАМАДАМИНОВ суратлари.



● *Бу рисоладан хабардормисиз?*

УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАНЛАР

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ зиёлилари заҳматкаш адабиётшунос Шерали Турдиевни ўзбек маданиятининг толмас тарғиботчиси сифатида кўпдан бери танийдилар. Олим узоқ йиллардан бери ёзувчилар билан бўлган шахсий суҳбатлардан, давлат ҳужжатларидан 20—30 йиллар ўзбек маданияти ва адабиётига доир нодир фактлар тўплаб, халқимиз тарихига оид янги-янги маълумотлар эълон қилмоқда. Бу маълумотлар туфайли олим қатағон йиллари зиёлиларимиз бошига тушган қора кунлар ҳақида жумҳуриятимиз ойнома ва рўзномаларида бир-биридан қизиқарли мақолалар чоп этди. Унинг бу маълумотлари тарихимиз саҳифаларидаги оқ доғларни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Олимнинг яқинда «Фан» нашриётида чоп этилган «УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАНЛАР» рисоласи ҳам шу мавзуининг давоми сифатида яратилган бўлиб, унда бир гуруҳ ёш ўзбек талабаларининг аччиқ қисмати ҳикоя қилинади. Шерали Турдиев ушбу рисолада 1922 йили жумҳуриятимиз раҳбарлари умид билан Германияга юборган Абдуваҳоб Муродий, Саттор Жаббор, Солиҳ Муҳаммад, Марям Султонмуродова, Хайриниса Мажидхонова, Саида Шермуҳаммад қизининг мураккаб тақдирлари ҳақида ҳикоя қилар экан, қизил империянинг халқимиз бошига солган кулфатларини очиб ташлайди. Муаллиф ҳар бир талаба ҳақида имкони борича тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилган. Маълум бўлишича, Германиядан ўқишни битириб, ватанига қайтган Абдуваҳоб Муродий, Саттор Жаббор, Марям Султонмуродова, Хайриниса Мажидхонова сталинча даврнинг қурбонлари бўлдилар. Тошкентлик ўнтой Сади Шераҳмад қизи, Абдумажид Иброҳимов, Аҳмаджон Иброҳимовлар эса қатағонликлар туфайли ватанларига қайта олмадилар. Бир гуруҳ талабалар эса Туркияда қолиб, таҳсилни давом эттирдилар ва кейинчалик йирик фан ва адабиёт арбоблари бўлиб етишдилар. Рисолада келтирилган маълумотларга қараганда йирик ўзбек олимларидан физика профессори доктор Саидали Анқара, маъданшунос профессор Аҳмаджон Ўқай, зироатчи олим Иброҳим Ёркин, жамиятшунос доктор Тоҳир Чиғатой, кимёгар олим Мажид Ўқайлар Туркия дорилфунунларида ўз мутахассисликлари бўйича ёшларга сабоқ берганлар.

Биз бугунги кунда фан тараққиётига катта ҳисса қўшган бу ватандошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ушбу рисолага тақриз ёзган шоир Жамол Камол тўғри таъкидлаганидек, Шерали Турдиевнинг бу асари бизга Германияда таълим олган ўзбек талабаларининг аччиқ тақдирлари, топталган юраклари, совурилган умидлари, ушалмаган орзулари, ҳазон бўлган умрлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Фарзандларимиз бу асарни ўқишлари, ундан ибратли хулосалар чиқаришлари керак.

Эргаш УМАРОВ.

УЙҒУР МАҚОЛЛАРИ

● Ишдан қочиб йиғлагандан,
Ишни қотириб кулган яхши.
● Ишни тўғри қилсанг, ҳаловатинг бўлади.
● Меванинг пишгани тотлик,
Одамнинг илмлиги.
● Ўзингни олтин санасанг,
Илмингни гавҳар сана.
● Ёлғон сўзлаб донг чиқаргандан,
Ишлаб шон чиқарган аъло.
● Сиртинг қора бўлса ҳам,
Ичинг оқ бўлсин.

ҲАР ТЎҒРИДА

АЙГЛИЯДА ЭНГ БОЙ КИМ?

● **БУ МАМЛАКАТДАГИ энг катта бойлар рўйхатининг биринчи сатрида инглиз шоҳи Елизаветта ҳазрати олияларининг исм-фамилияси туради. Унинг бойлиғини 6,5 миллиард фунт стерлинг, деб баҳолашади. Бунга ерлари, саройлари, хазиналари киради. Бироқ унинг шахсий мулки эса 500 миллион фунт стерлинг атрофидадир.**

Британияда энг катта мулк эгаси ҳисобланган герцог Вестминстерский бойлик жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Унинг ҳажми 3,5 миллиард фунт ҳисобланади. Машҳур инглиз банкирлари ҳисобланган Ротшильдлар оиласи бошлиғи рўйхатнинг 39-поғонасига тушиб қолган. Унинг бойлиги «бор—йўғи» 200 миллион фунтдан иборат.

Умуман Англияда шахсий мулки камида 50 миллион фунт стерлинг бўлган кимсаларгина бойлар рўйхатига киради. Бу йил бундай бойлар сони 300 та бўлди.

Жаҳонда эса энг бой киши Бруней султони ҳисобланади. Унинг давлати 18,8 миллиард фунт стерлингдир.

ХУРРАК ОТИШ КАСАЛЛИКДИР

● **ТИББИЁТ ходимлари ҳуррак отишни ҳам касалликлар қаторига қўшишади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, семиз, табиати ташвишни билмайдиганлар ҳуррак отадилар. Бундайларда қон босимининг юқори бўлиши, юрак-қон томирлари тизимининг бузилиши кузатилган. Ён-атрофдагиларга ноқулайлиғини гапирмаса ҳам бўлади.**

Бундай касалликка қарши кураш воситаси бизда йўқ. Ғарбий Оврўпо мамлакатларида махсус анжомдан фойдаланишяпти, лекин унинг нархи жуда баланд.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1992—1993 ЎҚУВ ИИЛИ УЧУН ҚУИИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎИИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР (чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 1,5-3 йил.**

ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧИ (асаларичи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва дурадгор мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 1,5-3 йил.**

ФЕРМЕР-УСИМЛИКШУНОС (мева-сабзавотчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 1,5—3 йил.**

ҲУЖЖАТЛАР 8 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар 10 августдан бошлаб ЎЗБЕК ТИЛИДАН (диктант) **ва БИОЛОГИЯДАН** (оғзаки) **имтиҳон топширадилар.**

Билим юртига 9, 11 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. 3 йиллик ўқишни тугатганларга ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади. 1,5 йиллик фермер гуруҳларига Армия сафидан қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳлари ўқувчиларига босқичма-босқич текширув натижаларига кўра ҳар курсдан сўнг мутахассислик бериб борилади. 3 йиллик гуруҳ ўқувчилари 2 курсдан сўнг ўрта маълумот ҳақида ҳужжат оладилар.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳоларга битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳларининг ишлаб чиқариш амалиёти жумҳуриятимизнинг фермер хўжаликларида ўтказилади.

Ўқиш муддати иш стажига киради.

12-ҳунар-техника билим юрти замонавий бинога жойлашган, бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт секциялари мунтазам ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли); маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли); турар жойидан маълумотнома; отаси ёки онасининг иш жойидан маълумотнома; 6 дона сурат (3×4 см); 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

Машғулотлар 1 СЕНТЯБРДАН бошланади ва фақат ўзбек тилида олиб борилади.

Ҳужжатлар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 8.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Қибрай ноҳияси, Геофизика кўрғони (М. Горький метроси — Тузель автобусининг «Геофизика» бекати ёки 21, 49, 63, 73, 112-шаҳар автобусларининг охирги «1-Қора-сув даҳаси» бекати).

Маълумотлар учун телефон: 64-31-34.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ
1992—1993 ЎҚУВ ИИЛИ УЧУН
ҚУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Тошкент шаҳар ҳамда республика вилоятларининг даволаш муассасаларида ишлаш учун «Ҳамширалик иши» бўйича тиббиёт ҳамшираларини тайёрлайди.

Аризалар Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент, Зангиота ноҳияларида, Наримонов шаҳрида яшаб турувчи, 11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлардан, шунингдек, республикамизнинг бошқа вилоятларидан келган шахслардан ётоқхона билан таъминламаслик шарти билан шартнома асосида қабул қилинади.

Ҳужжатлар 15 июндан 31 июлгача қабул қилнади.

Ўқиш муддати 1 йилу 10 ой.

Ўқиш икки тилда (ўзбек ва рус тилларида) **олиб борилади.**

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: раҳбар номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, соғлиғи тўғрисида ҳужжат (086/У намунада, яшаш жойидан) 3х4 см ҳажмидаги 4 та сурат, паспорт ва ҳарбий хизматга оид ҳужжатлари шахсан кўрсатилади.

Билим юртига кирувчилар иккита фандан имтиҳон топширадилар.

ОНА ТИЛИдан — диктант

БИОЛОГИЯ — оғзаки

Бошқа миллат тилида мактабни тугатганлар рус тилида диктант ёзадилар.

Кириш имтиҳонлари **1 августдан** бошланади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳияси, 1-мавзе, Чилонзор кўчаси, 9-уй.

Транспортлар: 2, 34, 50, 77, 94-автобуслар; 6, 11-троллейбуслар; 9, 11-трамвайларнинг «Чилонзор» бекати. Метронинг «Ҳамза» бекати.

Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур ноҳиясидаги 41-ўрта мактаб томонидан **Тоҳир Баҳромжонович Содиқов** номига берилган А № 137458 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

1-сон «Тошвилоятагроқурилиш» трести маъмурияти 33-хўжалик ҳисобидаги кўчма механизациялашган колонна бошлиғи А. Худойберганова қтаси

Худойберган ЭРГАШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 33-58-85, 32-57-47, 33-79-16, 32-57-48; масъул котиб — 33-48-08, 32-53-53; масъул котиб ўринбосари — 32-57-49. Бўлимлар: шўролар ҳаёти — 33-70-10, 32-57-78; қишлоқ хўжалиги — 32-55-53; саноат, қурилиш ва транспорт — 32-57-49, 33-70-10; ижтимоий масалалар — 32-56-47, 33-40-48; адабиёт ва санъат — 32-57-33; маданият ва миллий қадриятлар — 32-56-45; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 32-55-56, 33-99-15; хатлар ва оммавий ишлар — 33-40-48, 32-56-47; тижорат бўлими — 32-55-56, 33-99-15; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 33-40-48; эълонлар — 32-56-66.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—185. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 31646 нусха босилади.